2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 121 (910), 2023 йил 20 июнь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ТУРКСОЙ ТАШКИЛОТИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАДАНИЯТ КУНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Аввало, сиз, азизларни Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ ташкил топганининг 30 йиллиги билан самимий табриклайман.

Туркий дунёнинг атоқли маданият ва санъат намояндаларини, шоир ва рассомлари, киноижодкорларини, истеъдодли ёшларни Тошкентда бўлиб ўтаётган халқаро маданият анжуманида кўриб турганимиздан бениҳоя мамнунмиз.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Биз азалдан тарихи, тили ва дини, урф-одат ва анъаналари, бугунги орзу-интилишлари муштарак бўлган халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашда ТУРКСОЙнинг улкан ўрни ҳамда аҳамияти борлигини миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Ҳозирги кунда глобал оламда шиддат билан кечаётган жараёнлар барчамиздан сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳамкорлик билан бирга, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, адабиёт, соғлиқни сақлаш, туризм, спорт сингари муҳим соҳаларни ривожлантириш борасида биргаликда ҳаракат қилишни талаб этмоқда.

Туркий миллатларнинг маънавий бирлигини таъминлаш, муштарак қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, умумий бойлигимиз бўлмиш ноёб тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб этиш, буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида кенг кўламли маданий-гуманитар дастурлар амалга ошириб келинмоқда.

ТУРКСОЙ томонидан ўтказиб келинаётган йирик анжуманлар маданият ва санъат соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш билан бир қаторда, халқларимиз ўртасидаги қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани эътиборга моликдир.

Жумладан, ўтган давр мобайнида Остона, Туркистон, Эскишаҳар, Кастамону, Бурса, Қозон, Мари, Шеки, Ўш ва Хиванинг Туркий дунёнинг маданият пойтахти деб эълон қилингани ушбу қадимий ва гўзал шаҳарларимизнинг шон-шуҳратини янада оширди, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиб кирганидан сўнг барча соҳалар сингари ТУРКСОЙ фаолияти доирасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳам янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, аъзо давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда туркий мамлакатлар маданияти ва санъати кунлари, ёшлар ва театр фестиваллари, ижодий форумлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Ташкилот доирасидаги илмий-маърифий анжуманлар, туркий тиллар ва адабиётлари ривожига бағишланган халқаро конференцияларда мамлакатимиз олим ва ижодкорлари фаол қатнашмоқда.

Ана шу ҳамкорликнинг амалий самараси сифатида юртимизда "Туркий адабиёт дурдоналари" деб номланган 100 жилдлик китоблар туркуми нашр этилгани, унга Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркманистон ва Венгрия давлатларидан жами 450 дан зиёд мумтоз ва замонавий шоир, адиб ва мутафаккирларнинг асарлари киритилганини таъкидлаш жоиз.

Туркий дунёнинг сиёсат, илм-фан, тиббиёт, адабиёт ва санъат соҳаларида улкан ютуқларга эришган намояндаларини рағбатлантириш мақсадида буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилгани маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Бу йил гўзал Навоий шаҳрида бўлиб ўтган ТУРКСОЙ ёзарлар бирлигининг биринчи йиғилиши ҳамда "Мумтоз шеърият" деб номланган халқаро фестиваль туркий адабиёт оламида катта акс садо берди.

Шунингдек, ташкилот билан ҳамкорликда Гулистон шаҳрида III Халқаро бахшичилик санъати фестивали, Тошкент шаҳрида Турк дунёси талабалар халқаро театр фестивали ҳамда Марғилон шаҳрида "Буюк ипак йўли" халқаро фольклор фестивали юқори савияда ўтказилди.

2023 йилда буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг 1050 йиллик, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 540 йиллик таваллуд саналарини ҳам, насиб этса, биргаликда нишонлаймиз.

ТУРКСОЙнинг 30 йиллик қутлуғ санасига бағишланган маданият кунларининг аъзо давлатлар пойтахтлари ҳамда БМТ, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг расмий қароргоҳларида кенг нишонланиши — бу аввало жаҳон ҳамжамиятининг туркий халқлар маданияти, урф-одат ва қадриятларига юксак ҳурмат-эҳтироми рамзидир.

Зеро, туркий дунёмизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихи, улуғ аждодлари, маданияти ва санъати бор. Энг муҳими, мана шундай бебаҳо маънавий бойликнинг муносиб ворислари бор.

Туркий давлатлар ташкилотига раислик қилаётган Ўзбекистонда бугун ўз ишини бошлаётган маданият байрами фаолиятига муваффақият ва барчангизга сермаҳсуллик тилаб, яна бир бор ўзимнинг самимий ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Ҳурмат билан,

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Асрлар давомида халқимизга хос меҳр-оқибат, хайр-саховат каби эзгу умуминсоний қадриятларни намоён этиб келаётган Қурбон ҳайити жонажон Ватанимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва шукроналик фазилатларини янада мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшмоқда. Ушбу улуғ айёмнинг маънавий ҳаётимиздаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда уни мамлакатимизда муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни **28 июнь — чоршанба** кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, юртимизда **2023 йил 28 июнь** куни Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Аҳолининг Қурбон ҳайити байрамини муносиб савияда ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги "2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-270-сон Фармони билан иш ҳафтасининг туридан қатъи назар, барча ходимлар учун **2023 йилнинг 29-30 июнь** кунлари, олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун **1 июль** куни **қўшимча дам олиш куни** сифатида белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Қурбон ҳайити халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Маданият ва туризм вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 19 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## АҲОЛИНИНГ РУҲИЙ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини такомиллаштириш, руҳий ҳолат бузилишларини эрта аниқлаш, уларга ташхис қўйиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни даволаш сифатини ошириш, соҳада самарали бошқарув тизимини жорий этиш, илм-фанни ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш ва психиатрия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолига ўз вақтида психиатрия ёрдами кўрсатилишини ташкил этиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг **аҳоли руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини тубдан такомиллаштириш** тўғрисидаги қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

ихтисослаштирилган **психиатрия ва наркология ёрдамини** кўрсатишнинг **ягона вертикал бошқарув тизимини жорий этиш**;

**бирламчи бўғин тиббиёт муассасаларига** руҳий саломатликни муҳофаза қилиш хизматларини **интеграция қилиш**;

руҳий ҳолати бузилган шахсларни **дори воситалари билан эҳтиёжга кўра тўлиқ таъминлаш**;

**аҳоли**, айниқса, **болалар ва ўсмир ёшларнинг** руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш;

**кадрлар тайёрлаш** тизимини такомиллаштириш, мутахассисларни муносиб **рағбатлантириш** ва самарали меҳнати учун қўшимча шароитлар яратиш;

психиатрия муассасаларининг **моддий-техник** базасини янада мустаҳкамлаш.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг **2023 йил 1 июлдан** бошлаб **Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт марказини**, амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда, **Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказига** (кейинги ўринларда — Марказ) айлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

а) Марказ:

ихтисослаштирилган **психиатрик**, **тиббий-психологик** ва **наркологик ёрдам** кўрсатишни йўлга қўяди, ушбу йўналишларда юқори технологик моддий база ва илмий мактабни шакллантиради;

Давоми 2-бетда

## ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ ОЛТИН КЎПРИГИ

**Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙнинг 30 йиллик юбилейига бағишланган тантанали тадбир ва концерт дастури бўлиб ўтди.**

Унга туркий давлатларнинг санъат ва маданият, сайёҳликка оид вазирлик ва ташкилотлари, халқаро тузилмалар, дипломатик корпус вакиллари, адабиёт, санъат ва маданият намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ТУРКСОЙ ташкилотининг 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда ўтказилаётган маданият кунлари иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Давоми 2-бетда

## 2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Улуғбек Иноятовнинг сайловолди ташвиқотига доир мақола чоп этилмоқда.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-бетга қаранг.

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

## АБДУЛЛА ОРИПОВ ижодий феномени ёхуд мангуликнинг биллур тожи

**Бадиий ижод — инсон мавжудлигининг ўзига хос шундай бир унсурики, бутун моҳияти билан тириклик ва ҳаётнинг абадийлигини ҳимоя қилади, мана шу бетизгин ҳамда бетакрор ҳимоя жараёнида уни бутунлай номукаммаллик талаби билан рад ҳам этади.**

Менинг назаримда, атоқли шоир Абдулла Орипов ижодий феноменининг бутун сир-синоати инсон мавжудлигини ва ҳаёт абадийлигини ҳимоя қилиш ва инкор этишдадир.

Шоир шеърияти самовий лаззат, илоҳий сурур, дардчил туғёнли ҳислар алангаси, фалсафий поэтик идрок этиш қуввати, донишмандлик заковати, янгича тафаккур қудрати, миллий оҳангларнинг кўп овозли йиғмаси, ўткир ижтимоий қарашлар силсиласи билан шундай омихтаки, худди қуёш нурлари юзлаб рангларни ўзида жамлагандек чексиз оҳанрабога бойдир.

Ранглар найкамалаги, оҳанглар симфонияси бир чизиқда жонланади, сўз мувозанатига халал бермайди, қалбимизга имо-ишораларга бой инжа куйдек қуйилади, онг ости сезгимизни жунбишга келтиради. Кўнгил майллари қонимизда жўшқинликка вобаста бўлиб, ойдин таассуротлар уйғотади. Гўзаллик қонуни одатда адабиётда кашф этилади.

Ўтган асрнинг 60-йилларида давр нафасидан димиққан адабиёт фалажланган хотиралар қўйнида ўз қиёфасини йўқотган, инсондан кўра моддиятни баланд туғ этган, ижтимоий воқеликдан чекинган, риторик қутқулардан алаҳсираш мавсуми юз берган дамларда ўзбек шеърияти осмонида Абдулла Орипов исёнкор ҳисларга йўғрилган шеърлари билан митти юлдуз бўлиб порлаган ва инсон моҳиятини поэтик тасвир этиш, тимсоллаштириш баробарида адабиётимизнинг қоронғулик пучмоқларини ёритган бўлса, Эркин Воҳидов шеърияти мусаффо тонг нафасини олиб кирди. Улар шўро тузумида азалий кўркини йўқотган санъатга инсоний-руҳий кечинма, сеҳру синоат, юксак жозиба, мусиқийликни қайтарди.




Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов Абдулла Орипов туғилган юртда бўлиб, шоирнинг болалиги кечган қир-адирларни кезганини, кенгликлар шовуридан нафас олиб завқланган дамларни эътироф этаркан, шундай ёзади: "Ҳар гал унинг шеърларини мутолаа қилар эканман, тафаккурига ўша чексизликлар чексизлик бергандек, сатрлари саҳро қуёшидан нур эмгандек ва шу сатрлар орасидан анвойи чечаклар ҳиди уфуриб тургандек, келиб менинг димоғимга урилаётгандек бўлади". Аслида, шоирни шоир қиладиган манба ҳам унинг туғилиб ўсган юрти мўъжизасига боғлиқдир. Шоирнинг "Қарши қўшиғи" шеърида унинг юртга муҳаббати нечоғлиқ ўзаклanганини, чексиз меҳрга йўғрилганини кўрамиз.

Давоми 6-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН — ЭРОН САММИТИ

### ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ



**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 18 июнь куни Эронга расмий ташрифи нафақат икки томонлама муносабатларда, балки халқаро сиёсат майдонида ҳам катта акс садо берди.**

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# АҲОЛИНИНГ РУҲИЙ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

руҳий саломатликни таъминлаш йўналишидаги ишларни соғлиқни сақлашнинг барча даражаларида **мувофиқлаштиради ва назорат қилади**;

б) ҳудудлардаги руҳий ва наркология касалликлари шифохоналари ва диспансерлари Марказнинг ҳудудий ташкилий-методик бўлинмалари ҳисобланади;

Марказ, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмалари тиббиёт олий, профессионал ва ўрта махсус таълим муассасаларининг тегишли кафедралари учун **асосий клиник база** сифатида фаолият юритади.

3. **2023 йил 1 августдан** бошлаб:

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказининг туман (шаҳар) бўлинмалари штатларини қисқартириш ҳисобидан — **тиббий психолог**;

стационар ўринга эга бўлмаган руҳий-асаб касалликлари **диспансерлари** ва таркибида диспансер мавжуд бўлган руҳий касалликлар **шифохоналарида — суицидолог**;

**стационар ўринга эга бўлган** руҳий-асаб касалликлари **диспансерлари** ва руҳий касалликлар **шифохоналарида** — амалдаги штатлар доирасида **қабул бўлими шифокори, навбатчи психиатр, тиббий психолог** ёки **психотерапевт** штатлари жорий этилсин.

4. Бирламчи бўғин тиббиёт муассасаларида **2023 йил якунига қадар** қуйидагиларни назарда тутувчи **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг** руҳий ҳолат бузилишларида ёрдам кўрсатиш бўйича **ҳаракатлар дастури** амалиётга жорий қилинсин:

руҳий ҳолат бузилишини тиббиётнинг **бирламчи бўғинининг ўзида эрта аниқлаш** ва даволаш чораларини кўриш;

бирламчи бўғин тиббиёт муассасалари шифокорлари ва бошқа тиббиёт ходимларининг руҳий ҳолати бузилган шахсларни **клиник баҳолаш, даволаш ва кузатиб бориш** бўйича кўникмаларини ривожлантириш ва билимларини ошириш.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ўқувчиларда ўзини ўзи бошқариш, мураккаб ҳаётий вазиятларни енгиб ўтиш кўникмаларини шакллантириш, депрессия, хавотирли ҳолатлар ва суицидларнинг олдини олиш бўйича **махсус ижтимоий-эмоционал ўқув соатларини (Social Emotional Learning, SEL)** умумий ўрта таълим муассасаларида мактаб дастуридаги мавжуд фанлар ва дарсдан ташқари жараёнлар доирасида йўлга қўйсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

**2023 йил 1 сентябрдан** бошлаб тиббиёт ходимларини "психиатрия", "суд психиатрияси", "тиббий психология" ва "наркология" йўналишлари бўйича **қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш** харажатлари Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

**2023/2024 ўқув йилидан** бошлаб **"Психиатрия", "Тиббий психология"** ва **"Наркология"** клиник ординатура ва магистратура мутахассисликларига қабул фақат **давлат гранти асосида** умумий қабул параметрлари доирасида амалга оширилади ҳамда қабул кўрсаткичлари ушбу мутахассисликларга бўлган **ҳақиқий эҳтиёжни ўрганиш асосида** шакллантирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2023-2024 йилларда Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан камида **40 нафар** соҳа мутахассисларини нуфузли **хорижий тиббиёт муассасалари ҳамда марказларига малака ошириш ва стажировка ўташ** учун юбориш чораларини кўрсин.

7. **2023 йил 1 июлдан** бошлаб туман (шаҳар) **кўп тармоқли марказий поликлиникаларида** фаолият юритаётган психиатр ҳамда психиатрия **даволаш муассасаларида** фаолият юритаётган психиатр, тиббий психолог, психотерапевт ҳамда суицидологларнинг лавозим маошига устама миқдори **25 фоиздан 50 фоизга оширилсин**.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда амбулатория шароитида даволаниш учун руҳий ҳолати бузилган шахсларни **имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлашга** 2023 йилда **қўшимча 10 миллиард сўм** маблағ ажратсин, 2024 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига асосан зарур маблағларни назарда тутсин;

ушбу қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни 2023 йилда соғлиқни сақлаш билан боғлиқ бошқа тадбирлар учун харажатларга кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан ҳамда 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

9. Қуйидагилар:

**2023-2024 йилларда аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури** 1-иловага мувофиқ;

**2023-2024 йилларда психиатрия муассасаларини тиббий ускуналар билан жиҳозлаш дастури** 2-иловага мувофиқ;

**Болаларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш ва болалар психоневрологик хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари** 3-иловага мувофиқ;

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари учун зарур ташхислаш ва нейрореабилитация асбоб-ускуналарининг намунавий рўйхати** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги **икки ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга **масъул ва шахсий жавобгар** этиб соғлиқни сақлаш вазири А.Ш.Иноятов белгилансин.

13. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Туйчиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 19 июнь

# ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ ОЛТИН КЎПРИГИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазири Озодбек Назарбеков, Туркий ташкилотлар бош котиби Кубаничбек Омуралиев, Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ бош котиби Султон Раев бундан 30 йил аввал ташкил этилган ТУРКСОЙ ташкилоти жаҳонда ўз нуфузи ва обрўсига эга бўлиб бораётгани, унинг ҳамкорлик ёрдамида тараққиёт сари интилишдек эзгу ғояси дунёда тобора долзарблик касб этаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ташқи сиёсат соҳасида олиб борилаётган очиқ ва конструктив, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган янгиланиш жараёнлари қўшни ва қардош давлатлар билан самимий, дўстона, ўзаро биродарлик, яхши қўшничиликка, ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатларни йўлга қўйишда муҳим асос бўлмоқда. Бу жиҳатлар туркий тилли давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини илгари мисли кўрилмаган тарзда янги босқичга олиб чиқиш имконини бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

Бу йил Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ ташкил этилганига 30 йил тўлди. Ушбу сана ташкилотга аъзо мамлакатларда кенг тантана қилинмоқда. Олмаотадан бошланган байрам тўлқини Бишкекдан куч олиб, Тошкентга етиб келди.

Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида ТУРКСОЙ ташкилотининг 30 йиллик юбилей тантаналарига бағишланган "Турк дунёси" номли рассомлар ва ҳунармандлар кўргазмаси, туркий дунё халқларининг миллий ошхоналарига оид гастрономик намойиш ташкил этилди. Туркий тилли давлатларнинг нуфузли халқаро ташкилотлари раҳбарлари ва Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ўртасида маданият ва санъат, ноширлик, медиа, туризм каби соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга оид мулоқот ва учрашувлар бўлиб ўтди.

— Сир эмаски, сўнгги йилларда туркий дунё мамлакатлари орасидаги дўстлик муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб бормоқда, — деди Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазири Озодбек Назарбеков. — Жумладан, маданият соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари янги босқичга чиқди. Ўзаро ҳамжиҳатликда ўзаклари бир нуқтага туташувчи қадим туркий маданиятни ривожлантириш йўлида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда, муносабатлар тобора мустаҳкамланмоқда.

Умумий тил ва муштарак қадриятлар бирлиги асосида шаклланган Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ доирасида бугунги кунда маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Таъкидлаш жоизки, туркий тилли халқларнинг маънавий қадриятлари ва тарихий-маданий меросини халқаро даражада сақлаш, ўрганиш ва оммалаштиришда ТУРКСОЙ ташкилоти муҳим ўрин тутади. Айни пайтда ушбу тузилма тили, маданияти, анъаналари, тарихи, ҳаёт тарзи муштарак халқлар учун ўзига хос мустаҳкам ва ишончли маънавий кўприкка айланиб улгурди.

Мазкур нуфузли тузилма бош котиби Султон Раевнинг таъкидлашича, кейинги йилларда ТУРКСОЙ фаолияти тобора равнақ топиб бораётир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг туркий тилли давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга оид ҳаётий ташаббус ва ғоялари, мазкур ташкилотнинг фаол қўллаб-қувватланаётгани ўзига хос аҳамият касб этаётгани диққатга сазовордир. Бу кунлар аждодларимиз, ота-оналаримиз, жадидлар орзиқиб кутган кунлардир. ТУРКСОЙ туркий халқларнинг олтин кўпригига айланди.

Бугун тобора глобаллашиб бораётган дунёда турли хатар ва таҳдидларнинг олдини олишда, халқлар ўртасидаги дўстлик, аҳиллик, яхши қўшничилик, ҳамжиҳатлик алоқаларини тобора мустаҳкамлашда фаолиятининг асосини эзгулик, маърифат, ҳамкорлик каби олижаноб ғоялар ташкил этувчи ТУРКСОЙ тузилмасининг ўрни ва аҳамияти ўзига хос бўлмоқда. Унинг платформасида ўтказилаётган ижодий лойиҳалар, фестиваллар, ижодий танловлар, форумлар, йирик анжуманлар илдизлари умумбашарий эзгу ғоялардан сув ичган халқларни ягона мақсад сари бирлаштирмоқда. Пойтахтимизда бўлиб ўтаётган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Тантанали тадбирда туркий тилли давлатларнинг бадиий жамоалари, санъат усталари ва ижрочи ёшлари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

# ЎЗБЕКИСТОН — ЭРОН САММИТИ

## ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

Бошланиши 1-бетда

**Экспертларнинг фикрича, ушбу ташриф тарихий аҳамиятга эга. Бу Ўзбекистон раҳбарининг сўнгги йигирма йил ичида биринчи маротаба Эронга ташриф буюргани ҳамда минтақалараро ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича икки мамлакат учун савдо йўлларини диверсификациялашда муҳим омил ҳисобланадиган янги имкониятлар очилаётгани билан изоҳланади.**

### Чой Дже ДОК, Вонкванг университети профессори (Жанубий Корея):



— Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги муносабатлар барча йўналишларда изчил ривож топмоқда. Икки мамлакат раҳбарларининг самимий ва дўстона муносабати, шунингдек, ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бунга асос бўлмоқда.

Ўтган йил сентябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан, Эрон Президенти Иброҳим Раисий Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. Музокаралар чоғида Президентлар икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика, маданий-гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилгани баробарида қатор келишувларга эришдилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Эронга расмий ташрифи тарихий аҳамият касб этади. Чунки Теҳронда бўлиб ўтган мулоқот чоғида томонлар Самарқандда эришилган келишувларнинг бажарилишини таҳлил қилиб, янги лойиҳа ва режалар бўйича келишиб олдилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбари сўнгги йигирма йил ичида биринчи марта Эронга ташриф буюрганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Геосиёсий нуқтаи назардан, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида жойлашган. 80 миллиондан ортиқ аҳолига эга Эроннинг географик жойлашуви ҳам муҳим бўлиб, у Ўрта Осиёни Яқин Шарқ, Жанубий Осиё, Кавказ ва Европа билан боғлайдиган йўллар чорраҳасида жойлашган.

Эрон орқали денгиз бандаргоҳларига чиқиш Ўзбекистон учун жуда муҳим. Яқин келажакда янги темир йўл тармоқлари қурилиши натижасида мамлакатингизнинг Эрон портларига ва шу тариқа очиқ денгизга чиқиш имкониятлари кенгаяди.

Икки давлат раҳбарлари бу масалага катта эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Шу боис, транспорт йўлакларини фаоллаштириш, жумладан, Ўзбекистоннинг Эронга қарашли Жанубий ва Шимолий портларга чиқишини таъминлаш Теҳронда кечган музокараларнинг асосий масалаларидан бири бўлди.

Ўзбекистон ва Эрон минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, икки мамлакат қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш борасида фаол ва конструктив ҳамкорлик олиб бормоқда. Томонлар минтақавий масалаларни ўзаро маслаҳатлашувлар орқали ва тузилмалар доирасида минтақа давлатлари иштирокида тенглик асосида муҳокама қилишдан манфаатдордир.

Эроннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиши мамлакат учун ҳам, ШҲТ учун ҳам янги имкониятлар эшигини очмоқда.

### Игорь ШЕСТАКОВ, сиёсатшунос (Қирғизистон):

— Ўзбекистон Президентининг Эронга ташрифи нафақат республиканинг ўзи, балки, умуман, Марказий Осиёда инвестиция муҳитини яхшилаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, эронлик ишбилармонлар сўнгги йилларда Марказий Осиёдаги йирик компаниялар билан анча фаол иш олиб бораётгани ҳолда, қўшма лойиҳаларга қизиқиш билдирмоқда.

Эрон билан ҳамкорлик, биринчи навбатда, савдо ва логистика йўналишларини ривожлантириш нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотади. Эроннинг Жанубий ва Шимолий бандаргоҳлари имкониятларидан "Шимол-Жануб" транспорт йўлаги имкониятларини кенгайтириш учун фойдаланиш мумкин.

Марказий Осиё минтақасида тез ўзгариб бораётган геосиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда логистика соҳасида эришилган келишувлар нафақат Марказий Осиё ҳудуди, балки МДҲ мамлакатлари учун ҳам янги транспорт йўналишларини барпо этишда муҳим ўрин тутади.



### Месут Эмре КАРАКОСЕ, "SASAM" стратегик тадқиқотлар маркази директори, Туркия Буюк Миллат Мажлиси (парламенти) Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси эксперти:

— Мен ушбу ташрифни диққат билан кузатдим. Шавкат Мирзиёевнинг ушбу тарихий ташрифи давомида Ўзбекистон ва Эрон етакчилари икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини, минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар, жумладан, савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Эрон раҳбарларининг икки томонлама савдо ҳажмини ошириш, шунингдек, транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликни биргаликда мувофиқлаштириш бўйича музокараларининг якунлари бўйича эришилган келишувлар катта аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этмоқчиман.



Ўзбекистон ва Эроннинг Марказий Осиёни Эрон билан боғлайдиган энг қисқа транспорт-логистика йўлаги бўлган "Шимол-Жануб" халқаро йўлагидан фойдаланиш истиқболларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Эроннинг 200 дан ортиқ тадбиркорлари иштирокида ўтказилган бизнес-форум натижалари ҳам юқори баҳоланди. Томонлар энергетика, кимё саноати, фармацевтика ва тиббиёт технологиялари, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, қурилиш материаллари, машинасозлик, асбобсозлик ва электротехника соҳаларида қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга келишиб олдилар.

Яна бир муҳим жиҳат: Ўзбекистон ташқи сиёсатида Афғонистонда барқарорликни таъминлаш масаласига устувор эътибор қаратилаётир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ва Эрон етакчиларининг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш бўйича мулоқотни давом эттириш юзасидан эришган келишуви Ўзбекистон раҳбарининг тинчликсевар минтақавий сиёсатининг мантиқий давоми бўлди десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзбекистон ва Эроннинг халқаро терроризм, наркотрафик, кибертерроризм, одам савдоси каби умумбашарий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашда халқаро ташкилотлар доирасида ҳам ўзаро ҳамкорлик қилиши минтақавий хавфсизликни таъминлашга салмоқли ҳисса бўлмоқда.

### Ли ЮНХУЭЙ, Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти етакчи илмий ходими (Хитой):



— Ўзбекистон фаол ва мувозанатли ташқи сиёсат олиб бормоқда. Ўзбекистон билан хорижий давлатлар ҳамкорлигининг асосини минтақада барқарорлик, хавфсизлик ва изчил тараққиётни таъминлаш соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш ташкил қилади. Янги Ўзбекистоннинг минтақавий кун тартибига ёндашуви шундаки, расмий Тошкент минтақа тараққиётисиз мамлакат истиқболини кўрмайди.

Ўзбекистон Президентининг Эронга ташрифи доирасида имтиёзли савдо, стандартлаштириш, технология ва инновациялар каби йўналишларда 15 та ҳужжат қабул қилинди. Қўшма эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш, фармацевтика, транспорт ва транзит соҳаларида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасида савдо, транспорт, логистика ва туризм соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар мавжуд. Ҳозирги шароитда ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, янги бозорлар ва йўналишларни яратиш жуда долзарб. Транзит имкониятларини кучайтириш, шубҳасиз, бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор ўсишига таъсир қилади. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши мамлакатдаги фаол ўзгаришларга янги туртки беради.

### Аҳмад РАСИТ, Саравак университети проректори (Малайзия):



— Эрон Яқин Шарқдаги йирик иқтисодиётга эга ва минтақадаги технологик жиҳатдан энг ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Ўйлайманки, Ўзбекистон Президентининг ушбу мамлакатга ташрифи жуда самарали бўлди, чунки олий даражадаги музокаралар чоғида томонлар инновациялар, сунъий интеллект, нанотехнология, кибернетика, технологиялар трансфери сингари соҳаларни икки томонлама ҳамкорликнинг янги устувор йўналишлари сифатида белгилаб олдилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Эроннинг стратегик жойлашуви икки мамлакат учун савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни ривожлантириш ҳамда уларнинг кўламини янада кенгайтириш, шунингдек, транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорлик бўйича катта имкониятлар яратади. Хусусан, Форс кўрфази бандаргоҳлари Ўзбекистон учун очиқ денгиз ва океанларга чиқишнинг хавфсиз ва қисқа йўлидир.

Шуни ҳам таъкидлаш кераккки, Ўзбекистон ва Эрон бой илмий ҳамда маданий меросга эга. Мамлакатлар ўртасидаги тарихий ва маданий умумийлик ҳозирги босқичда маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Фанлар академияси фондларида сақланаётган қадимий қўлёзмаларни чуқур ўрганиш бўйича қўшма илмий гуруҳни тузиш тўғрисидаги қарор жуда долзарб ва муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, ушбу ташриф Ўзбекистон — Эрон ҳамкорлигининг янги қирраларини очишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**"Дунё" АА**

# ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятов дастуридаги устувор мақсад

O'zbekiston ХДП Xalq demokratik partiyasi

**Ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигига эришиш ҳар бир жамиятнинг асосий мақсадидир. Мазкур ижтимоий мезон тарихий анъаналар, одатлар ва қадриятлар замирида вужудга келган тамойиллар мажмуасига асосланган ҳолда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқларни амалга ошириш ва шу йўл орқали жамиятда ўз ўрнига эга бўлганлик ҳиссини янада орттиради. Ушбу мезонлар устувор бўлган ҳар қандай давлат ва жамият ҳамма даврда ҳам барқарор ривожланган. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Улуғбек Иноятовнинг дастуридаги асосий ғоя ва ташаббуслар мана шу тамойилга асосланганлиги билан аҳамиятлидир.**



### Барқарор тараққиёт ва ижтимоий фаровонлик

Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантириш жамиятда барча учун тенг имкониятларни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири. Чунки фаол бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг эҳтиёжманд қатлами ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобга олиниши иқтисодиётнинг умумий барқарорлигини кафолатлайди.

**Номзод дастурининг 5-йўналиши “Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти — барқарор тараққиёт ва ижтимоий фаровонлик асоси” деб номланганлиги бежиз эмас.**

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод ҳам иқтисодий ривожланишнинг ижтимоийликка йўналтирилган моделини барқарор тараққиёт ва халқ фаровонлигининг асоси, деб билади. Зеро, партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари негизида айнан шу тамойил мужассамдир.

Биз жамият ва давлатнинг асосий мақсади қаторида ***тенгсизлик ва камбағалликни бартараф этиш***, ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда бу борада кечиктириб бўлмас чора-тадбирлар ишлаб чиқишни кўрамиз.

Бу борада олиб борилган тадқиқотлар натижаси ҳамда олинган хулосаларга кўра, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шундай тизимки, у **бир томондан,** эркин бозорнинг ўзини ўзи тартибга солиш тамойилларига асосланса, **иккинчи томондан,** хусусий тадбиркорлик ва нодавлат секторнинг ижтимоий барқарорликка хизмат қилишини таъминлайди. Бозор иқтисодиётининг бу шаклида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни қайта тақсимлашда давлат муҳим роль ўйнайди.

Дунё давлатлари тажрибасига назар солсак, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини юритишда етакчилардан саналган Скандинавия давлатлари, Нидерландия, Германия каби мамлакатларда ижтимоий тенгликка асосланган муносабатларга иқтисодий самарадорликка эришишнинг муҳим омили сифатида қаралади.

### Давлатнинг ижтимоий масъулияти

Мавжуд анъанавий иқтисодий муносабатларда бизнеснинг ижтимоий масъулияти белгиланиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан амалга оширилади. 2020 йилдаги глобал пандемия, унинг ортидан геосиёсий майдондаги зиддиятлар туфайли пайдо бўлган инқироз шароитида жуда кўплаб давлатлар учун соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш энг устувор йўналишларга айланди. Бу ўз-ўзидан инсон омили билан боғлиқ ҳолатлар инобатга олинган ҳолда эркин бозор иқтисодиётига хос жараёнларни қайсидир даражада жиловлаб, тенгсизликни, камбағаллик хавфини юмшатиш масаласини кун тартибига олиб чиқди.

Бу борада халқаро ташкилотларнинг баъзи маълумотларига эътибор қаратиш кифоя. Жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг **“2020–2022 йилларда дунёда ижтимоий ҳимоя. Ижтимоий ҳимоя бурилиш нуқтасида — ёрқин келажак сари”** деб номланган ҳисоботида келтирилишича, Ер юзидаги инсонларнинг 47 фоизи ижтимоий ҳимоянинг камида битта туридан фойдаланади, 53 фоизи (4,1 миллиард киши) эса ўзларининг миллий ижтимоий ҳимоя тизимларида даромад кафолатига эга эмаслиги қайд этилган.

Бугун дунё давлатлари ижтимоий сиёсатда бурилиш палласида эканига ишора қилинган ушбу ҳисоботда ижтимоий ҳимоя соҳасида жиддий минтақавий тафовутлар борлиги айтилади. Аҳамиятлиси, Европа ва Марказий Осиё давлатларида фуқаролар ижтимоий ҳимоя билан энг кўп қамраб олинган бўлиб, унинг камида битта туридан аҳолининг 84 фоизи фойдаланмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Улуғбек Иноятовнинг Сайловолди дастурида илгари сурилаётган ташаббуслардан бири “***Иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самарадорлиги — муҳим”*** эканлигидадир.

Номзод дастурида бозор иқтисодиётининг самарали амал қилиши учун етарли **иқтисодий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш**, рақобатни ҳимоя қилиш баробарида инфляция ва ишсизликни камайтириш **давлатнинг муҳим вазифаси** бўлиши кераклиги илгари сурилмоқда.

Дастурда иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самарадорлигини таъминлаш учун **11 банддан иборат устувор вазифалар** келтирилган. Хусусан, номзод иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштироки сақлаб қолиниши кераклигига эътибор беради. Чунки жамиятимизда бозор муносабатларини тартибга солиш ва ижтимоий тенгликни таъминлаш жараёни давлат иштирокисиз бўлмаслиги кундай равшан.

Мамлакатимизда хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ва давлат мулкининг қийматини аниқлаш механизмларини янада такомиллаштириш, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши учун маҳаллий инвесторларга ҳам хорижий инвесторларга берилганидан **кам бўлмаган имтиёзларни белгилаш** вазифалари эса бугунги кунда иқтисодий ислоҳотларда кузатилаётган айрим бўшлиқларни бартараф этишни кўзда тутади.

### Ижтимоий тенглик ғояси

Номзод дастуридаги **ташаббусларнинг замирида ижтимоий тенглик ғояси** ётади. Дейлик, қимматбаҳо мол-мулк учун солиқ жорий этиш, бунда миқдори қонун билан белгилангандан юқори уй-жой, автотранспорт ёки бошқа мол-мулк мулкдорларидан ушбу солиқнинг ундирилишини назарда тутиш масаласи моҳияти ва аҳамиятига кўра бугунги кунда долзарбдир. Агар солиқлар ижтимоий ҳимоя мақсадларига хизмат қилишини назарда тутсак, қимматбаҳо мол-мулк учун солиқ тўлаш ҳам инсонийлик, ҳам анъанавий қарашларимизга, қадриятларимизга мос ҳамда мувофиқлигини англаймиз. Мазкур тажриба бугунги кунда дунёнинг қатор давлатларида самарали натижаларни кўрсатмоқда.

Ҳозирда ҳаётимизни Интернет ва ижтимоий тармоқларсиз тасаввур қила олмаймиз. Ахборот олиш ва ахборот етказиш, мулоқот қилиш билан боғлиқ эҳтиёжларимизни айнан улар билан боғлаймиз. Шу билан бирга, бугун Интернет ва ижтимоий тармоқлар тижорий фаолият ҳамда реклама майдонига ҳам айланиб бормоқда. Қўлимиздаги митти қурилма орқали глобал тармоққа улансак, гўёки онлайн дўконлару онлайн хизмат кўрсатиш турлари кун эмас, соат сайин кўпайиб бораётгандек туюлади. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тижорий фаолият билан, реклама билан шуғулланиб, **ўртача ойлик номинал иш ҳақидан юқори фойда кўраётганлар**дан барча соҳа ишчи-ходимлари қаторида даромад солиғини ундириш масаласида аниқ механизмлар жорий этиш ҳам муҳимдир.

### Кучли ижтимоий сиёсат учун кучли бюджет

Дастурда мамлакатнинг иқтисодий қудрати, энг аввало, кафолатланган бюджетга бевосита боғлиқлигини инобатга олиб, ундириладиган барча тўловларни (жарима, давлат божи, йиғим, бошқа мажбурий ундирувлар) Давлат бюджетига йўналтириш тартибини жорий этиш таклиф этилмоқда.

Ўз навбатида, табиий савол туғилиши мумкин, яъни номзоднинг Сайловолди дастурида илгари сурилаётган ушбу ғоя жамият ва давлатга қанчалар муҳим?

Маълумки, мамлакатда **ижтимоий масалаларни самарали ҳал қилиш бутун дунёда асосан Давлат бюджети даромадлари билан боғлиқ**. Шунинг учун мамлакатимизда бюджет тушумларини ошириш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Ҳозирда жарима, давлат божи, йиғим, бошқа мажбурий ундирувларнинг маълум қисми Давлат бюджетига эмас, турли вазирлик ва идораларнинг жамғармалари ҳисобига тушмоқда. Бу ҳолат ўз-ўзидан бюджет даромадлари янада ошиб боришига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Президентликка номзод ўз Сайловолди дастури орқали айни вақтда бюджетдан ташқари жамғармалардаги маблағларнинг қанчалик **ижтимоий самарали ишлатилаётгани устидан доимий парламент назоратини ўрнатиш** имконияти ҳам етарли эмас, деб ҳисоблайди.

Шу сабабли, номзод дастуридаги ундириладиган барча тўловларни (жарима, давлат божи, йиғим, бошқа мажбурий ундирувлар) Давлат бюджетига йўналтириш тартибини жорий этиш таклифи жуда муҳимдир.

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг эҳтиёжманд қисми муаммолари ечими, асосан, улар бандлигини таъминлаш орқали амалга оширилади.

### Бандлик ва ижтимоий ҳимоя

Барча давлатларда ишсизлик ва уни бартараф этиш масаласи ўта долзарб ҳисобланади. Ишсизлик даражасини камайтириш ва фуқаролар бандлигини таъминлаш камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини, турмуш сифатини ва тўлов қобилиятини оширишнинг бош омили ҳисобланади.

Шу боис, барча давлат ва жамиятларда ишсизликдан ҳимоя қилиш тизимининг қандай йўлга қўйилгани, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг қай даражада тизимли ва изчил амалга оширилаётгани фуқароларни қизиқтирадиган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, Халқ демократик партиясининг асосий ғояларидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдир. Ишсизлар ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ҳисобланади. Шу сабабли, номзодимиз дастурида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва касбий тайёргарлигини оширишга замин яратадиган ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш муҳимдир. Масалан, янгиланган Конституциямизнинг 43-моддасида давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этиши ҳамда рағбатлантириши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ва “Аҳоли бандлиги тўғрисида”-ги қонунда ҳам меҳнат муносабатлари, ходимларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатлари батафсил тартибга солинган.

Мана шу ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда, номзод дастурида меҳнатга лаёқатли аҳолининг шахсий ташаббуслари ва уддабуронлигини рағбатлантириш, фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, касбий тайёргарлиги ва қайта тайёрланишини ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар шуғулланиши мумкин бўлган соҳаларни ҳамда ўзини ўзи банд қилган, деб ҳисобланадиган фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш таклифлари илгари сурилмоқда.

Бу масалалар Халқ демократик партиясининг доимий электорати манфаатларини ҳимоя қилишда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлашда долзарб ижтимоий аҳамият касб этади. Хусусан, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар шуғулланиши мумкин бўлган соҳаларни ҳамда ўзини ўзи банд қилган, деб ҳисобланадиган фаолият турлари рўйхатининг кенгайтирилиши тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча имкониятлар эшигини очади, фуқаролар бандлигини таъминлаш ҳамда янгидан-янги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш учун шароит яратади. Бир сўз билан айтганда, мазкур ташаббуслар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва фуқаролар ташаббусларини рағбатлантириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга, ўзини намоён этиши ва ривожланиши учун шароит яратишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, номзоднинг дастурида юқори қўшилган қийматга эга ва инновацион илғор технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш мақсадида самарали молиявий ва солиқ имтиёзларини қўллаш бўйича таклифлар ҳам илгари сурилмоқда.

### Давлат – асосий тартибга солувчи

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига кўра, фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди.

Номзод ўзининг Сайловолди дастуридаги **давлатнинг асосий тартибга солувчилик ролини кучайтириш** ғояси конституциявий қоидалар асосида ишлаб чиқилганини эътироф этиш лозим.

**Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда давлатнинг асосий тартибга солувчанлик роли бугунги кунда муҳим.** Бироқ, эркин бозор муносабатлари тарафдорлари инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодий фаолиятга эркинлик бериш, валюта ва нарх сиёсатини янада эркинлаштириш, хусусийлаштириш ва иқтисодиётда давлатнинг ролини қисқартириш афзалликларини назарий-амалий жиҳатдан асослашга киришади. Худдики, давлатнинг бозор муносабатларига аралашуви айрим ҳолларда қонундан оғиш, монополия ва коррупцияга йўл очиш каби иллатларни юзага келтиришини иддао қилади.

Халқ демократик партияси эса бундан фарқли равишда иқтисодиётни либераллаштириш ва эркин бозор муносабатлари ҳар доим ҳам жамиятни ижтимоий ривожлантириш мақсадларига эришиш кафолатини бермайди, деб ҳисоблайди. Чунки эркин бозор қонунлари кези келганда инсонпарварлик тамойилларидан четга чиқиб, ижтимоий тафовутлар ҳамда тенгсизликнинг чуқур илдиз отишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, ижтимоий барқарорлик сари интилган жамият учун хос эмас. Қолаверса, самарали бошқарувга эга **давлатнинг асосий тартибга солувчанлик роли бозор муносабатларини рағбатлантириб, ижтимоий-иқтисодий самара келтиради.**

Номзод дастурида давлатнинг иқтисодиётни тартибга солувчанлик ролини кучайтириш учун бир **қатор изчил ташаббуслар** ўрин олган. Ҳудудларнинг барқарор ривожланиши учун **давлат даромадларини тенг ва адолатли тақсимлаш**, умумхалқ аҳамиятига эга **иқтисодиёт тармоқларининг бошқарувида давлат иштирокини мустаҳкамлаш**, давлат улуши бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари **кузатув кенгашлари таркибига жамоатчилик вакилларини киритиш** орқали улар ишидаги шаффофликни ошириш каби муҳим таклифлар шулар жумласидандир.

Айниқса, номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёждаги бошқа товарларни ишлаб чиқариш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш чораларини **қонуний жиҳатдан мустаҳкамлашни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда**.

Ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори қўшилган қийматга эга товарлар билан тўлдириш барқарор иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири эканини назарда тутган ҳолда, номзод **ишни қуйидан бошлаш**ни таклиф этади. Яъни, маҳаллий ҳокимликлар даражасида ҳаёт учун муҳим ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда кундалик зарур товарларни ишлаб чиқариш бўйича **ўрта муддатли ҳудудий дастурларни шакллантириш лозимлиги,** мазкур дастурлар ҳудудларда иш ўринлари ташкил этишга доир давлат буюртмалари ҳамда ўрта махсус, олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурларига мувофиқ бўлиши кераклиги қайд этилади.

Бундан ташқари, саноат соҳаси билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг самарадорлигини ошириш, бу борада ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги назарда тутилади.

Сир эмаски, бугун ҳар бир давлат учун озиқ-овқат хавфсизлиги ҳаёт-мамот масаласига айланди. Бундан ташқари, ер юзида рўй бераётган глобал иқлим ўзгаришлари, шиддат билан қамрови ортиб бораётган қурғоқчилик, табиий офатлар оқибатида қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда унинг ҳосилдорлигига путур етмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти (FAO) маълумотларига кўра, бугунги кунда 20 дан зиёд давлат ўз халқини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмайди. Яъни, дунёнинг 815 миллионга яқин аҳолиси очликда кун кечирмоқда.

Иқтисодиётимизнинг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси орқали иқтисодиётимизга зарур бўлган хомашёлар етиштириш, уларнинг импорти ва экспортини таъминлаш муҳим. Маълумотларга кўра, 2022 йил якуни бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 25,1 фоиз қисми айнан қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келган. Ушбу ҳолатни ҳисобга олсак, номзод Сайловолди дастурида мазкур тармоқ истиқболига кенгроқ тўхталиб ўтгани бежиз эмаслигини кўрамиз.

Таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори натижа берувчи хўжалик юритиш шаклларини жорий қилиш, шу асосда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барқарор ва самарали тизимини яратиш, соҳага доир илмий-амалий тадқиқотлар ҳамда технологиялар учун сармоя киритиш салмоғини ошириш, ишлаб чиқарувчилар ҳамда қайта ишлаш корхоналари ўртасида кооперацияни ривожлантириш ички бозорда тақчиллик ва нарх-наво ўсиб кетишининг олдини олиш имконини беради.

Ўз навбатида, номзоднинг Сайловолди дастурида назарда тутилган чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш тармоқларида муқим, юқори ҳақ тўланадиган иш ўринларини яратишда, юртимиз аҳолисининг салмоқли қисми яшайдиган қишлоқ жойларда ишсизлик муаммосини бартараф этишда қўл келади.

### Жамоатчилик назорати — ижтимоий самарадорлик кафолати

Номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланган **асоссиз харажатларга йўл қўймайдиган, “Давлат бюджети — халқ маблағи”** тамойили асосида унинг **сарф-харажатлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш** лозимлиги ҳақида илгари сурган ғояси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дастурда иқтисодиётда таркибий ислоҳотларни амалга ошириш ва янги технологияларни татбиқ этиш масалалари бўйича барча жабҳада ижтимоий мулоқот ва жамоатчилик назорати механизмини жорий қилиш, аҳолининг барқарор, юқори ҳақ тўланадиган иш ўринларида бандлигини ошириш, меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқаришнинг экологик тозалигини таъминлаш билан уйғунликда олиб бориш зарурлиги аниқ ва равшан келтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятовнинг Сайловолди дастурида миллий иқтисодиётимиз ривожининг ҳозирги босқичида аҳоли ўртасида камбағалликни қисқартириш ва мамлакатимизни ўртача даромади юқори бўлган давлатлар қаторига киритиш, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатини ошириш кабилар ҳам долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Бу муҳим мақсадни иқтисодий ислоҳотларда фуқароларнинг, жумладан, ёшлар, аёллар ва ногиронлиги бор шахсларнинг иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш орқали ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида рўёбга чиқариш мумкинлиги илгари сурилмоқда.

Мамлакатимиз тақдири ва келажагимиз учун муҳим саналган сиёсий жараён — Президент сайловига бир ойдан кам фурсат қолди. Сайлов кампанияси авж нуқтада давом этаётган айни чоғда Халқ демократик партияси ўз номзоди дастурини кенг тарғиб этиш, тушунтириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Барча сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятов дастурини қўллаб-қувватлашга чақирамиз!

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

www… yuz.uznews yuz_official



> Бугунги кунда мамлакатимизда муқобил энергетика соҳасида 7,5 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, “яшил” водород ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар тайёрланмоқда.



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# БОҚИЙ ЭНЕРГИЯНИНГ БЕМИННАТ МАНБАИ



**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи**

**Шамол — муқобил энергия манбаларидан бири. У қуёш нурининг интенсивлиги, босимнинг ўзгариб туриши натижасида ҳаво массасининг ҳаракати туфайли ҳосил бўлади. Шу боис, абадий энергия манбаи ҳисобланади.**
**Мутахассислар қайд этишича, инсоният минг йиллардан буён тегирмонни юргизиш ва денгизда елканли кемаларда ҳаракатланиш учун унинг кучидан фойдаланиб келган. Ўрта ва кейинги асрларда Европа мамлакатларида ундан саноат ва қишлоқ хўжалигида кенг миқёсда фойдаланилган. Юртимизда ҳам яқин пайтларгача буғдой, арпа ва бошқа бошоқли экинлар донини ёки майизни ажратиб олишда шамол яқин кўмакчи бўлгани яхши маълум.**

Шамолнинг йиллик назарий захираси Ер юзидаги барча энергия ресурсларидан 100 марта ортиқ бўлиб, айни вақтда дунёдаги бу турдаги барча қурилмаларнинг йиллик қуввати 743 гегаваттдан ошади. Эндиликда бу рақам йилига 10-15 фоизга ортиб бориши башорат қилинмоқда.

Маълумки, 1 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш учун 0,3 куб метр табиий газ, ўртача 2,5 килограмм кўмир сарфланади. Кўмир асосида ишлайдиган қуввати 1 мегаваттли станция атмосферага 1 минг 800 тонна углерод ва 13 тонна азот оксидларини чиқаради. 1 мегаватт қувватли шамол генератори эса 20 йил давомида 29 минг тонна кўмир ёки 92 минг тонна нефтни иқтисод қилади. Шамол генераторларидан олинадиган қувват экологик энг тоза электр энергияси ҳисобланади.

Шу боис, дунё бўйича шамол энергиясидан фойдаланиш катта тезликда ўсмоқда. Агар 2000 йилда дунёдаги барча давлатларда шамолдан 17,4 гигаватт энергия олинган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилда 389,5 гегаваттни ташкил қилди, яъни 14 йил давомида шамолдан электр энергияси олиш 20 баробар ошди. Ундан кейинги даврда эса 353,5 гегаваттдан ортиққа ўсди.

Шамолдан электр қуввати олиш бўйича Хитой дунёда биринчи ўринда туради. Жаҳондаги мазкур энергиянинг қарийб учдан бир қисми унинг улушига тўғри келади. АҚШ, Германия, Испания каби ривожланган давлатлар кейинги ўринларни эгаллайди. Дания 2025 йилда электр энергияга бўлган талабнинг учдан икки қисмини, Буюк Британия 2030 йилга бориб барча эҳтиёжни шамол энергетикаси ҳисобидан қоплашни режалаштирган. Европанинг бошқа давлатларида ҳам мазкур муқобил қувват юқори тезликда ривожланмоқда.

Қолаверса, шамол электр станцияларида ишлаб чиқарилаётган электр энергияси нархи ҳам арзонлашиб боряпти. 2010-2020 йиллар орасида қуруқликдаги шамол электр станциялари орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ўртача нархи 56 фоизга арзонлаб, 1 киловатт-соат электр энергияси 8,9 центдан 3,9 центгача пасайган.

## 1 триллион киловатт-соатга яқин электр қуввати

— Шамолдан электр энергияси олиш учун унинг ўртача йиллик тезлиги секундига 3 метрдан юқори бўлиши керак, — дейди география фанлари бўйича фалсафа доктори Расулжон Мамажонов. — Ундан ҳосил бўлган қувватлар аккумуляторда тўпланади, шундан сўнг тармоққа узатса бўлади. Тезлиги секундига 3 метрдан камроқ эпкинли шамолдан ҳам кичик қувватдаги электр энергия ҳосил қилиш мумкин, лекин ундан фойдаланиб бўлмайди.

Ўзбекистонда Ер юзасидан 20-30 метрдан 80 метргача баландликда шамолнинг йиллик ўртача тезлиги секундига 4,5 дан 5,5 метргача етади. Буни 2014 йилда Германиянинг “GEONET” ва “Inter-COPA” компаниялари “Ўзбекгидроэнерго” АЖ билан биргаликда олиб борган ўлчаш ва кузатиш ишларида аниқлади. Бу юмушлар 84 метр баландликда бажарилди ва мазкур маълумотлар асосида “GEONET” томонидан Ўзбекистон ҳудудининг шамол ресурслари харитаси тузилди. Унга кўра, шамол секундига 5 метрдан 6,5 гача ва ундан юқори тезликда бўлган ҳудудлар мамлакатимиз умумий майдонининг 70-75 фоизини, секундига 3 дан 5 метргача эсадиган жойлар 20-25 фоизни ва 2,5 дан кам бўлган ҳудудлар 5 фоизга яқин майдонни ташкил этади. Мазкур рақамлар республикамизнинг 95 фоиз ҳудудида шамол энергиясидан фойдаланиш имконияти мавжудлигини англатади.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиб, аҳоли ижтимоий ҳаётининг яхшиланиб бориши энергетика ресурсларига бўлган талабни оширмоқда. Бунда шамол ресурслари харитаси қўл келади. Ушбу харита асосида Энергетика вазирлиги томонидан икки истиқболли ҳудудлар белгиланган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси жанубида шамол энергияси салоҳиятини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди. Уларнинг ҳар бирида шамол тезлиги ва йўналиши, ҳавонинг зичлиги ва ҳароратини аниқлайдиган ўлчов асбоблари жойлаштирилиб, баландлиги 85 метрли метеорологик устунлар ўрнатилди. Мазкур ўлчов ускуналари йўлдош алоқа тизими воситасида кейинги таҳлил учун маълумотларни серверга онлайн тартибда узатади. Бу маълумотлардан инвестицион лойиҳа тайёрлашда шамол генераторининг энг оптимал бирлик қувватини аниқлаш ва потенциал электр энергия ишлаб чиқаришни ҳисоблашда фойдаланилади.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда Ўзбекистондаги қайта тикланувчи энергиянинг йиллик электр қуввати, жумладан, қуёш энергиясиники 525 дан 760 миллиард киловатт-соатгача етса, шамол энергиясиники 1 триллион киловатт-соатгача, яъни энг катта манбага эга ҳисобланади.

Бундан бир неча йил олдин тажриба тариқасида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида 750 киловатт қувватли шамол қурилмаси тикланган эди. Шундан кейин юртимизнинг турли жойларида айрим фермер хўжаликлари ва компаниялар томонидан шундай қурилмалар қурилган ва улар ишлаб турибди.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда шамол энергетикасидан кенг фойдаланиш бўйича соҳада техник-иқтисодий изланишлар ўтказилиб, “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси” ишлаб чиқилган. Айни пайтда юртимизда 5 минг мегаватт қувватли шамол электр станциялари (ШЭС)ни қуриш асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланмоқда.

Эътиборли томони, Ўзбекистонда ШЭСни қуриш учун аниқланган ер майдонларидаги шамол потенциали жаҳонда мавжуд шамол электр станцияларининг ўртача кўрсаткичларидан юқори ҳисобланади. Яъни қувватдан фойдаланиш коэффициенти таққосланганда, мамлакатимиз кўрсаткичи жаҳондаги ўртача меъёрдан 1,5 баробар юқори туради.



## Бир киловатт-соат электр энергияси учун 2,57 цент

Беруний ва Қораўзак туманларидаги шамол электр станцияси қурилишига ўтган йил 24 февраль куни тамал тоши қўйилганди. У бир йиллик эмас, кўп йилларга татийдиган лойиҳа сифатида баҳоланаётганининг асослари бор. Чунки Қорақалпоғистонда ўнлаб йиллар давомида энергетика танқислиги аҳолини қийнаб келди. Ҳудудда ягона бўлган ва бундан 66 йил аввал қурилган Тахиатош иссиқлик электр станцияси ўсиб бораётган эҳтиёжни қондириш учун етарли бўлмай қолди. Шунинг учун ушбу станция 680 миллион доллар эвазига модернизация қилиниб, 560 мегаваттга тенг қувватлар ишга туширилди.

Эндиликда замонавий шамол электр станциясининг барпо этилиши аҳоли, ижтимоий-иқтисодий иншоотларни барқарор электр қуввати билан таъминлаши баробарида, хорижий инвесторлар учун корхона қуриш ёки хизмат кўрсатишда зарур бўлган инфратузилма имкониятларини кенгайтиради. Бинобарин, яқин истиқболда Қорақалпоғистонда 2 минг 500 та янги корхона ташкил этиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 2 баробар ошириш режалаштирилган. Бундай мақсадларга эришишда яйдоқ даштлару мовий кенгликларда миллионлаб йиллардан буён эсиб ўтган шамолнинг беминнат қуввати ҳам катта куч беради.

Қорақалпоғистонда 100 мегаваттли шамол электр станциясини барпо этиш учун Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг техник кўмагида тендер эълон қилинди ва унга 70 та компания ҳамда консорциум қизиқиш билдирди. Улар орасидан кейинги даврага 20 га яқин талабгор чиқди. Бундан бир йил олдин бўлиб ўтган танловда давлат-хусусий шериклик асосида ишлаб чиқариладиган шамол энергияси учун энг паст тариф — 1 киловатт-соат электр учун 2,56 цент таклиф қилган Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси ғолиб деб топилди.

— “ACWA Power” компанияси 100 мегаватт қувватли янги шамол электр станциясини қуряпти, — дейди Энергетика вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдулла Отабоев. — Станция 2024 йилда фойдаланишга топширилади. У ишга тушгач, йилига 350 миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқариб, 120 мингдан ортиқ хонадонни муқобил энергия билан таъминлайди. Яна бир муҳим жиҳати, станция ишга туширилиши натижасида йилига 106 миллион метр куб табиий газ тежалишига эришилади ҳамда атмосферага 160 минг тонна зарарли чиқинди чиқишининг олди олинади. Ушбу ҳажмдаги тежалган газ билан 35 мингта хонадонни 1 йил давомида табиий газ билан таъминлаш мумкин.

Лойиҳа қиймати 108 миллион долларни ташкил этиб, давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида юз фоиз инвестор томонидан молиялаштирилади. Станцияда 25 та шамол турбинаси ўрнатилади. 20 километр бўлган 220 киловатт кучланишли электр узатиш ҳаво линияси қурилиб, бу қувватлар мамлакат ягона энергетика тизими билан тўлиқ уланади. 100 нафар малакали муҳандис ва техник ходимлар юқори даромадли доимий иш билан таъминланади.

“Биз узоқ йиллик мижозимиз “ACWA Power” компаниясини ва Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикасидаги 100 МВт. қувватга эга шамол электр станцияси қурилишини қўллаб-қувватлашдан фахрланамиз. Оролбўйи минтақаси шамол ва қуёш ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига ўз иқтисодиётини тикламоқда”, деди яқинда Самарқандда ўтказилган Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг йиллик конференциясида мазкур халқаро молиявий муассасанинг Барқарор инфратузилма гуруҳи бошқарувчи директори Нандита Паршад.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоиз, Экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилинган Оролбўйи минтақасида бошланган бу лойиҳа “яшил энергия” ишлаб чиқариш бўйича “биринчи қалдирғоч” ҳисобланади. Келгуси беш йилда бу ҳудудда қуввати қарийб 1 минг 800 мегаватт бўлган яна 3 та шамол станцияси ишга тушилиши кўзда тутилмоқда.

Умуман олганда, бугунги кунга қадар ЕТТБ Ўзбекистонда умумий қуввати 2 минг 700 мегаваттлик қайта тикланадиган энергия қувватлари яратишни молиялаштирди. Шунингдек, мамлакат умумий қуввати 2 минг мегаватт бўлган шамол электр станцияларини қуриш бўйича тендер дастури устида иш олиб бормоқда.

“ACWA Power” компанияси Ўзбекистонда умумий қуввати 2 минг 600 мегаватт бўлган иссиқлик ва шамол электр станцияларини қуришда иштирок этяпти. Хусусан, Бухоро вилоятининг Пешку ва Ғиждувон туманларида ҳар бирининг қуввати 500 мегаваттдан бўлган 2 та шамол электр станцияси барпо этилиб, 2024 йилда ишга тушиши мўлжалланган.

— Ушбу станциялар учун шамол генераторлари махсус машиналарда Хитойдан олиб келинади, — дейди Энергетика вазирлиги етакчи мутахассиси Обиджон Дилмуродов. — Икки станцияда тикланадиган 158 турбина мазкур давлатнинг “Envision” компаниясида тайёрланади. Яқинда Пешку туманида барпо этилаётган станцияда шамол турбинаси учун дастлабки пойдевор қуриб битказилди ва агрегатларни монтаж қилиш ишлари жадал давом эттириляпти.

Икки станция ишга тушгач, йилига 3,6 миллиард киловатт-соат электр қувватлари ҳосил қилинади. Бунинг натижасида йилига 1,1 миллиард метр куб табиий газ тежалади ва айни кезда 1 миллион тонна миқдоридаги зарарли моддалар ҳавога чиқишининг олди олинади.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, жаҳон иқтисодий ривожланиши боис, 2030 йилга бориб электр энергиясига бўлган талаб аср бошидагига нисбатан 50 фоиз ошади ва бу борадаги эҳтиёж 23,27 миллиард тонна шартли ёқилғини ташкил этади. Ўз навбатида, бу атроф-муҳитга етказиладиган зарар янада кучайиб боришидан далолат беради. Мутахассислар мазкур муаммони ҳал этишнинг энг самарали йўли сифатида қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш, бу борада янгидан-янги технологияларни жорий этишни тезлаштиришни илгари суради.

Аслида ҳам кейинги даврда дунёда “яшил энергия”дан фойдаланиш миқёси кенгайиб боряпти. Мисол учун, 2019 йилда жаҳон энергетикаси умумий ҳажмида муқобил қувватлар салмоғи 26,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 28,1 фоизга етди. “Ember” таҳлилий марказининг қайд этишича, 2022 йилда Европа Иттифоқига аъзо давлатларда газга қараганда қайта тикланувчи энергия манбаларидан кўпроқ электр қуввати ҳосил қилинган.

— Ўтган йили Европа Иттифоқи тарихда биринчи марта қуёш ва шамолдан газга нисбатан кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқарди ва биз жорий йил яна қайта тикланадиган энергия муҳитини икки баробар оширишга ҳаракат қиламиз, — дейди Еврокомиссия Раиси Урсула фон дер Ляйен. — Биз инновацияларга асосланган ижтимоий иқтисодиётга қадам қўймоқдамиз. Иттифоқ бўйлаб катта ва кичик шаҳарлар гуллаб-яшнаб, ўзларининг барқарор имкониятини бошламоқда. Бу Европа “яшил” битими ва ҳаракатларининг амалий натижасидир.

Маълумотларга қараганда, Шотландия, Исландия, Коста-Рика, Уругвай каби давлатларда умумий энергетика миқдорининг қарийб барчаси, Швеция, Германия, Дания каби мамлакатларда деярли тенг ярми ва ундан кўпроғи муқобил энергия ҳиссасига тўғри келади. Дунёда энг кўп “яшил энергия” ишлаб чиқарадиган Хитой эса 2025 йилга бориб унинг умумий миқдорини 25 фоизга кўтаришни режалаштирмоқда.

Ўзбекистоннинг бу борадаги режалари ҳам таҳсинга сазовор. Тараққиёт стратегиясида барча соҳаларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда уларга “Яшил иқтисодиёт” технологияларини фаол жорий этиш белгиланган. Бунда 2026 йилга келиб электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичини қўшимча 30 миллиард киловатт-соатга ошириб, жами 100 миллиард киловатт-соатга, мазкур муддатда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш эвазига йилига қарийб 3 миллиард метр куб табиий газни тежаш мақсад қилинган. Бундан ташқари, 2030 йилга бориб қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш қувватларини 25 минг мегаваттгача ошириш ва унинг улушини ҳозирги 14 фоиздан 40 фоизгача етказиш режа қилинган.

— Жорий йилнинг ўзида умумий қуввати 4 минг 300 мегаватт бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари, шу жумладан, 2 минг 100 мегаваттлик йирик қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилиши мўлжалланган, — дейди Абдулла Отабоев. — Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш, истеъмолчиларни муқобил энергияга ўтказиш ва тежамкор технологияларни жорий қилиш орқали қўшимча 5 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш ва 4,8 миллиард метр куб табиий газни иқтисод қилиш имкони яратилади. Ушбу мақсадларга жами 15,4 миллиард доллар, шундан 13,4 миллиард доллари — давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида инвесторлар маблағлари, 1,1 миллиард доллари — тижорат банклари кредитлари, 610 миллион доллар — корхоналарнинг ўз маблағлари, 150 миллион доллари — хорижий молиявий ташкилотлар маблағлари ва 100 миллион доллари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан йўналтирилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда муқобил энергетика соҳасида 7,5 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, “яшил” водород ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар тайёрланмоқда.

Мухтасар айтганда, шамол, қуёш, гидро ва бошқа муқобил энергиялар табиатнинг инсонга инъом этган битмас-туганмас ва экологик тоза ресурслари ҳисобланади. Мутахассислар фикрича, тахминан 100-150 метр баландликдаги шамолнинг энергия қуввати ҳозир дунё бўйича инсонлар ишлатаётган электр энергияси қувватидан 30 маротаба катта экан. Атмосферада 1000-10000 метр баландликда кучли, доимий эсадиган шамоллар бор. Келгусида техникавий тараққиёт улардан ҳам фойдаланиш имкониятини яратишига ҳеч бир шубҳа йўқ. Олимлар айни кунда автомобиль, поезд, самолёт ва бошқа транспорт воситаларига ўрнатилган махсус қурилмалар ёрдамида уларнинг ҳаракатланиши жараёнида юзага келадиган ҳаво қаршилигидан электр энергияси ҳосил қилиш устида изланишлар олиб боряпти. Демак, бу каби технологиялар ҳам кўп вақт ўтмай, кечагина орзу бўлиб туюлган шамол электр станциялари каби инсониятга беминнат хизмат қилади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



ЮРТНИНГ ОБОД ГЎШАЛАРИ

# Қорақалпоқ туризми

## ранг-баранглиги ва жозибадорлиги билан сайёҳларни жалб этади



**Қўнғиротбой ШАРИПОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори,
Алишер ЭШТАЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

**Мамлакатимизда туризм иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланмоқда. Қолаверса, янги Ўзбекистонни барпо этишда сайёҳликни ривожлантириш учун қатор устувор вазифалар белгиланган. Жорий йил 29 март куни туризм салоҳиятини ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу йил юртимизга 7 миллион хорижлик ва 15 миллион маҳаллий сайёҳни жалб қилиш, экспортни 2,5 миллиард долларга етказиш бўйича топшириқ берилган эди.**

Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари ва талабалари томонидан Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир, Хўжайли ва Элликқалъа туманларида изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Аввало, ОТМга бириктирилган туманлардаги сайёҳлик объектлари, яъни Элликқалъа туманидаги 21 та, Хўжайли туманидаги 13 та ва Тахтакўпир туманидаги 14 та сайёҳлик манзилининг контенти яратилди. Соҳани ривожлантиришга таъсир қилаётган омиллар таҳлил қилинди. Ўрганилаётган сайёҳлик объектлари бўйича tsuetravel.com платформаси ишга туширилиб, Тахтакўпир, Хўжайли ва Элликқалъа туманларининг туризм контентлари жойлаштирилмоқда.

Маҳаллий туризм ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу туманларга сайёҳларни кенг жалб қилиш ва уларни ҳудудда 4-5 кун мобайнида олиб қоладиган жозибадор ва қизиқарли 12 та туризм пакети ишлаб чиқилди.



Шу йилнинг 1-2 июнь кунлари Элликқалъа туманида Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан "Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!" шиори остида "Саҳро садоси" ёшлар фестивали ўтказилди. Фестиваль ўтказиладиган жойлар сифатида тумандаги Ақчакўл, Аёзқалъа ва Ёшлар оромгоҳи каби объектлар танлаб олинди. Тадбир давомида турли спорт мусобақалари, "Заковат" интеллектуал ўйини, миллий ўйинлар, қорақалпоқ миллий таомлари, миллий куй-қўшиқлар, расм чизиш беллашувлари ўтказилди. Уларга маҳаллий аҳоли билан бирга хорижлик сайёҳлар ҳам жалб қилинди.

Тахтакўпир, Хўжайли ва Элликқалъа туманларида фаолият юритувчи гид-таржимон ва экскурсия етакчилари учун сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш, жумладан, ўзини тутиши, нутқ ва кийиниш маданияти, туризм объектлари тўғрисидаги ахборотларни билиш ва уларни сайёҳларга етказиш, зиёрат одоби, зиёрат объектларида экскурсияга олиб боришнинг услубий асослари, диний масканларда экскурсия ўтказиш техникаси ва тарбиявий аҳамияти борасида батафсил маълумот берадиган услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Университет профессор-ўқитувчилари томонидан 5 та ихтисослик эгалари учун қисқа муддатли ўқув курслари ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилди. Шу асосда Тахтакўпир, Хўжайли ва Элликқалъа туманларидаги туризм ва сервис ходимлари малакасини ошириш, маҳаллий аҳолини туризм соҳасига жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш мақсадида семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Тадқиқотлар натижасида туризм соҳаси ривожига таъсир қилувчи қатор камчиликлар аниқланди. Хусусан, ушбу туманлардаги 17 та сайёҳлик объекти мавжуд сайёҳлик йўналишларига киритилмаган. Элликқалъа туманида экологик, агро, ов ва соҳил туризми, археологик туризм, Тахтакўпир туманида соғломлаштириш туризми ва Хўжайли туманида зиёрат туризми имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳияти жаҳон ахборот тармоқларида деярли тарғиб қилинмаган, гид-экскурсоводлар етишмаслиги сабабли саёҳатчиларга сифатли хизмат кўрсатиш имконияти паст даражада. Мавжуд сайёҳлик объектлари атрофида туризм инфратузилмаси қониқарли даражада эмас.

Университет профессор-ўқитувчилари ва тадқиқотчилари шу туманларда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида маркетинг тадқиқотлари олиб бормоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳудудларда туризм соҳасини кенг ривожлантириш учун қатор ишларни бажариш режалаштирилган. Жумладан, маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни кенг жалб қилиш, туманларнинг ўзига хос хусусияти ва табиий салоҳиятидан келиб чиқиб, халқаро рақслар фестивали, халқаро креатив блогерлар фестивали, халқаро талабалар форуми, энг креатив фотосурат танлови каби тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган.

Турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг ягона мақсад сари ҳамкорликда ҳамда ўзаро ҳамжиҳат бўлиб кластерларга бирлашиши ҳудуднинг ички ресурсларидан янада самарали фойдаланиш имконини беради. Кўпгина давлатларнинг туризм соҳасидаги тажрибаси шундан далолат берадики, кластерлар иқтисодиётнинг юқори самарадорликка эришишига хизмат қилади. Кластерларни шакллантириш мамлакатда мавжуд туризм ресурслари ҳамда афзалликлардан янада тўлиқроқ фойдаланишга йўл очади. Ҳар қандай ҳудуд доирасида туризм кластери шакллантирилиши соҳа тараққиёти муаммолари ечимини топишнинг таъсирчан ва ўта зарур усулидир.

Қолаверса, мамлакатимизда ҳудуд доирасидаги туризм кластерини қўллашнинг иккита сабаби мавжуд. Биринчидан, туризм кластеридан фойдаланиш маълум минтақада туризм соҳасини янада чуқурроқ, ҳар томонлама мажмуали таҳлил қилиш ва унинг истиқболини олдиндан белгилаш билан бевосита боғлиқ. Иккинчидан, кластерларни шакллантириш муайян ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти доирасида туризмни ҳамда унга турдош соҳаларни ривожлантиришнинг минтақавий стратегиясини ишлаб чиқишни, уларни асослаш ҳамда амалга оширишни кўзда тутади. Бу жараёнда хўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнат унумдорлиги, иш самарадорлиги, инновацион фаолияти, рентабеллиги ва фойдаси ҳамда рақобатбардошлиги янада ортади. Шу мақсадда Тахтакўпир, Хўжайли ва Элликқалъа туманларида "Қорақалпоғистоннинг 7 та мўъжизаси" туркумидаги ҳудудий туризм кластерларини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Сайёҳлик турини кўпайтириш, бунда зиёрат, археологик, экологик, этно, ишбилармонлик, спорт, гастрономик, тиббий, таълим ва илмий туризмни ривожлантириш, янги туризм йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Туманларнинг географик жойлашуви, ихтисослашуви, тарихи, имкониятлари ва бошқа муҳим элементлари ўрганилиб, туризмнинг турларига ихтисослашуви бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, Элликқалъа туманида тарих ва археологияни севувчилар учун Аёзқалъа қўрғони, Бўронқалъа, Бурлиқалъа, Думанқалъа, Желдиққалъа, Кичик Қирққизқалъа, Қаватқалъа, Тупроққалъа, Қўрғошинқалъа, Бургутқалъа, Қўйқирилганқалъа ва бошқа жойларга саёҳат уюштириш мумкин. Туяда ҳаяжонли саёҳат қилиш ва қадимги Аёзқалъа харобаларини зиёрат қилиш, Аёзкўлда чўмилиш, моторли қайиқда сайр қилиш, маҳаллий бахши ва жировларнинг экзотик фольклор куй-қўшиқларини тинглаш имконияти мавжуд.

Элликқалъа туманида кўплаб диққатга сазовор табиий жойлар, ўсимликлар дунёси, флора ва фауна мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши экологик ва агротуризмни кенг йўлга қўйишга имконият яратади. Ушбу туманда туризмга ноқулай мавсумларда турли тадбирлар, танлов ва кўргазмалар, ўзига хос фестиваллар, муайян соҳалар бўйича олимлар ва тадқиқотчилар учун илмий анжуманлар, оммавий тадбирлар, ишбилармонлик туризмини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Хўжайли шаҳрининг ғарбий чеккасида, Кўҳна Урганч шаҳрига олиб борувчи йўлнинг икки томони бўйлаб тепаликда бепоён қадимги Миздахкан шаҳри нишоналари жойлашган. Ғарбий тепаликда жойлашган қадимий Миздахкан шаҳри милоддан аввалги IV-III асрларда пайдо бўлган. Шунингдек, ҳудудда Мазлумхонсулу мақбараси, Халифа Ережеп мақбараси, Шаму наби мақбараси, Ақ Ханақи мажмуи ва Жумарт қассоб каби объектлар мавжудлиги зиёрат ва археологик туризмни, қорақалпоқ халқининг ўзига хос таомлари гастрономик туризмни, маҳаллий халқнинг яшаш маданияти, миллий урф-одат ва удумлари этнографик туризмни ривожлантиришга асос бўлади.

Тахтакўпир туманидаги Айдосқалъа, Барактам, Жаманқалъа, Қўрғончақалъа, Қўшминар, Қиличқалъа каби объектлар археологик туризмни, чўл ҳудудларида сафари, ралли ва экстремал туризмни, Қоратеран кўлида 10 га яқин балиқ турлари, ноёб ўсимликлар ва қушлар мавжудлиги овчилик (балиқчилик), экологик туризмни, Қоратеран кўлидан 30 метр узоқликда бир нечта булоқ жойлашган бўлиб, кўл суви 8-10°Сни ташкил этса, булоқлар суви 23-25°Сни ташкил этиши эса соғломлаштириш туризмини йўлга қўйиш имконини беради.

Туризм соҳаси бошқа соҳалардан фарқли равишда кўпроқ тарғиботни, рекламани талаб қилади. Шу мақсадда Тахтакўпир, Хўжайли ва Элликқалъа туманларига Австрия, Индонезия, Россия ва Британия каби давлатлардаги ҳамкорлар, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқ вакиллари ва блогерларни жалб қилиб, ушбу жараёнларни амалга ошириш режалаштирилган.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудуди каби Қорақалпоғистоннинг ҳам туризм салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида қатор ишларни бажариш режалаштирилган бўлиб, албатта, бунда соҳа бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган олим ва тадқиқотчиларнинг амалиётчилар билан ҳамкорлиги юқори натижа беради.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ЭКОЛОГИЯ ВА БИЗ

**Ўктам МИРЗАЁРОВ,
журналист**

**Ёзнинг одатдагидан иссиқ ва қуруқ келиши, қишнинг беаёв изғиринлари, йилдан-йилга муаммога айланаётган сув танқислиги каби атроф-муҳитда кечаётган иқлим ўзгаришлари гўё бизга тегишли эмасдай ҳайрон ва лол кузатишдан, ажабланишдан нарига ўтмаймиз. Она табиатда нега шундай ҳолатлар юз бераётгани, бунда қайсидир маънода бизнинг ҳам айбимиз борлигини ўйлаб кўрмаймиз.**



# СОҒЛОМ ҲАЁТ ГАРОВИ

Бундан бир неча йил аввал юртимизга хитойлик бир гуруҳ ҳамкасблар ташриф буюрди. Улар билан дилдан суҳбат қурдик. Биринчи сўраганимиз "Тошкент сизда қандай таассурот уйғотди", деган савол бўлди.

— Самолёт аэропортга қўниб, эшиги очилиши билан биринчи қилган ишим шаҳарнинг мусаффо ҳавосидан тўйиб нафас олиш бўлди, — деди суҳбатдошим. — Таним яйради, маза қилдим. Тошкент кутганимдан ҳам афзал, ям-яшил шаҳар экан...

Ҳа, юртимиз об-ҳавоси яқин-яқингача ҳам шундай, атроф-муҳитни ободонлаштириш иши шаҳарсозликнинг асосий фаолияти эди. Хорижликни лол қолдирган ҳозирги "мусаффолик" билан бундан кейин фахрлана олмасак керак. Дунёда кечаётган экоҳалокатлар юртимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Иқлим ўзгаришлари оқибатида гоҳ шарқдан, гоҳ ғарбдан кириб келаётган иссиқ ҳаво оқими, чанг-тўзонлар қатлаишлашига шикаст етказади. Сиз билан бизнинг ҳаётлигимиз ана шу бир ютум кислородга боғлиқ, уни эса бизга беозор дарахтлар инъом этади. Мана, нега биз табиатни онамизга менгзаймиз. "Она табиат", деб алқаймиз.

Баъзан матбуотда, ижтимоий тармоқларда гоҳ шундайгина ёнимизда бизга ҳаёт улашаётган дарахтлар сўраб-сўрамай кесиб ташланаётганига, ям-яшил хиёбонлар қурилиш майдонига айлантириш мақсадида пайҳон этилаётганига гувоҳ, йўқ, томошабин бўлиб турибмиз. Тўғри, айрим оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқ вакиллари жойларда содир этилаётган экожиноятлар ҳақида бонг урмоқда. Аммо юз йиллар давомида барқ уриб яшнаб келаётган, ёзда сояси билан, ўзидан чиқараётган кислороди билан жонимизга оро кираётган дарахтлар аёвсиз кесилгандан сўнг кўрилган чорадан қанчалик фойда бор? Демак, бугунги кунда омма орасида экомаданиятни шакллантирмай



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

минининг "семириб" бораётганига ўзимиз ҳам яхшигина "ҳисса" қўшяпмиз. Саноат корхоналари, автотранспорт воситаларидан чиқаётган техник газнинг ортиб бораётгани нафақат атроф-муҳитга, балки инсон саломатлигига ҳам ўз таъсирини ўтказяпти.

Соҳа мутахассисларининг ҳисоботлари билан танишсангиз, юрагингиз орқага тортиб кетади. Дунё бўйлаб ҳар йили 7 миллиондан зиёд киши ҳавонинг ифлосланиши оқибатида вафот этар экан. Уларнинг кўпчилиги саратон, нафас олиш йўллари ёки юрак касалликларига чалинган. Болаларда кўп ҳолларда нафас қисиш (астма), сурункали ўпка касалликлари, ўсишнинг секинлашиши, семириш ва ақлий заифлик пайдо бўлиши эҳтимоли кўпроқ. Бу маълумотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти манбаларидан олинган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳаво сифатига транспорт воситаларидан ташқари кўплаб бошқа омиллар ҳам таъсир қилади. Масалан, турар жой ва бошқа биноларни иситишда ёки далаларга экин экишда қўлланиладиган турли кимёвий моддалар ҳам ҳавони маълум даражада ифлослантиради.

"Бу шуни кўрсатадики, атроф-муҳит зарарланишининг олдини олиш учун транспорт соҳасидан ташқари бошқа тармоқлараро комплекс чора-тадбирларни кўриш жуда муҳимдир", дейилади Европанинг БМТ иқтисодий комиссияси баёнотида.

Инсон овқатсиз, сувсиз бир неча кун яшаши мумкиндир, аммо ҳавосиз 5 дақиқа ҳам яшай олмайди. Маълумотларга кўра, бир киши кунига 1 килограмм овқат, 2 литр сув истеъмол қилади, 25 килограмм ҳавони эса нафас олиш учун сарфлайди. Биз ҳар куни истеъмол қилаётган ҳавонинг атиги икки фоизигина кислород эканини ҳамма ҳам билмаса керак!

Кислород етишмаслиги тирик организмнинг ҳамма аъзолари меъёрда туриб, мақсадга эришиш мушкулдай кўринади. Тўғри, бу ҳақда кўп ёзилмоқда, фикрлар билдирилмоқда. Аммо турмуш тарзимизга табиатга нисбатан меҳр уйғонмас экан, вазиятнинг ўнгланиши қийин. Ўтмишда ота-боболаримиз оилада ўғил фарзанд туғилса, катта бўлгач, уй-жойини қуриб олиши учун турли хил дарахтлар эккан, бу дарахтлар ўн саккиз, йигирма йил давомида ўзидан қанча кислород чиқаради, қанча одам унинг неъматидан баҳраманд бўлади? Боғ барпо этиш, атроф-муҳитни тоза-озода сақлаш халқимизнинг асрий қадриятидир.

"Ҳавонинг ифлосланиши иқтисодиётдаги вазият ва одамларнинг яшаш сифатига таҳдид қилувчи куч билан ўсишда давом этмоқда. Бу соғлиқни сақлаш учун фавқулодда ҳолатдир", дейилади ЖССТ ҳисоботида.

Атроф-муҳитни тоза тутиш, экологик муаммоларнинг олдини олиш мамлакатимизда долзарб масалага айланиб бормоқда. Тегишли ташкилотлар, жамоалар, партия ва бирлашмалар бу борада изчил саъй-ҳаракатлар олиб бораётганига қарамай, вазият жиддийлигича турибди.

Баъзан давлат раҳбарлари мамлакатимизга ташриф буюрганида эсдалик учун дарахт кўчатлари экади. Бу жамоатчиликка ибрат бўладиган жуда яхши анъана. Куз ёки баҳорда ўтказиладиган катта-кичик кўнгилочар тадбирлар, экосаёҳатлар пайтида минглаб дарахтлар экилса, дўстлик, ёшлик каби номларда боғ-роғлар ҳашар йўли билан барпо этилса, нур устига нур бўларди. Албатта, бундай тадбирларда она табиатни алқайдиган шеър ва қўшиқлар янграса, замонавий видеороликлар намойиш этилса, ўсиб келаётган ёш авлод онгида табиатни асраш ҳисси юксалган, атроф-муҳитни асраш умумишимизга айланган бўларди. Ахир экомусаффолик саломатлигимиз гарови-ку!



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

# АБДУЛЛА ОРИПОВ ижодий феномени




## ёхуд мангуликнинг биллур тожи

**Абдулла Орипов шеърияти ҳақида фикр юритиш бизни башар мавжудлигининг сирли-синоатли, жозиб ва тилсимли дунёсига бошлаб боради.**

**Ўроз ҲАЙДАР,**
**шоир**

Бошланиши 1-бетда

*Лекин унинг баҳори, о, сен, чўллар баҳори,*
*Соғинтирган онамнинг дийдори сендай ширин.*
*Эрта кун қовжирашдан бўлса ҳам дилда зори,*
*Лола каби хандону тубда яширин доғи.*
*Оёқланган кўзидай довдирар елда майса,*
*Кўм-кўк, мовий осмонда кезиб юрар оқ булут.*
*Тўрт тараф қисиб келиб, ногаҳон жала қуйса,*
*Оламга анқиб кетар минг хил кўкат, минг хил ўт...*

Қашқадарё жуғрофияси мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан ажралиб туради. Шарқида тоғу қир-адирлар ястанган бўлса, ғарбида чексиз дашту чўллар уфққа туташган. Воҳа манзараси шоир шеъриятида бор бўйи-басти билан тасвирланган. “Қадимий ва навқирон Қарши” шеърида бу манзара картинаси инсон қалбини ҳайратга ошно этади.

*Дедилар: — Чақнаган қайси юрт эрур*
*Буюк Соҳибқирон сочган зиёдан?*
*Жавоб бердиларки: — Ҳеч сўнмас бу нур,*
*Таралган энг аввал Қашқадарёдан.*

Киндик қони томган юрт шоҳу гадога ҳам қутлуғ маъво саналади. Шоир бир зум, бир сония бўлсин, туғилган диёридан кўнгил узмади. Соғинчи битилган сатрларда тупроғини сочиб ўйнаган, лойсувоқ томлардан лолақизғалдоқ териб, болалиги кечган қишлоғини ёниб куйлади. Шоир дашт табиати, унинг гиёҳларини ёдидан кўтармади, аксинча, унутилаётган чечакларни сўзга солди. Суйруқуйруғу қўзигул, жинжагу янтоғиниям муаттар гуллар ўрнида кўриб алқади, алаф дея ижирғанмади. Оққуврайни атиргул ё чиннигулдан кам кўрмади.

Абдулла Орипов ижодини фақатгина тафаккур қудрати билан англаш ва англатиш мумкин. Шунда ҳам ўша тафаккур соҳиби айнан юнон, ҳинд, хитой, араб, лотин ва умуман, дунёвий-диний фалсафани теран ўзлаштирган бўлса. Бу бетакрор ва муаззам ИЖОД ФЕНОМЕНИ — Абдулла Орипов феноменини кашф этиши, халқимизнинг шундай улуғ шоири борлигини дунёга танитишдек табаррук остонага қадам қўйиши мумкин.

Абдулла Орипов она диёримиз манзараларини сўзда чизишда санъаткорона янгича услубда соҳирликка уйғун маҳоратини намойиш қилди. Шеъриятининг яна бир тилсими унинг шеърларини хос ва авом ўқувчи бирдай эътироф этди. Бунинг сири нимада? Зоҳиран барча ўқувчининг тушунишига халқ оғзаки ижодига уйғунлиги, миллий колоритнинг серқатламлиги, ечимнинг оддий ва мукаммаллиги ортиқча серғалвалик туғдирмайди. Хос ўқувчи эса сатрларда ботиний махзан тилсимотини ўз заковати қудрати билан англашга қодир.

Яна бир жиҳати, шоирнинг кўпгина шеърларида ўтмиш ва бугун тасмаланган, идрок кўзгусида шакл-шамойилини илғайсиз, сезим алдамайди, қарашларингизни инкор этмайди. Айниқса, Ватан мавзусидаги шеърларида бу тилсимот юракларга ҳайрат улашади. Абдулла Ориповнинг Ватан ҳақидаги шеърларида “қизил” гаплар йўқ. Тўғри, публицистик руҳ нуқтаи-назаридан қараганда, баъзан шоир бир қадар кўтаринки, бир қадар мақтовли сатрлар тузгандек таассурот қолдиради. Лекин синчиклаб боқсангиз, ана шу кўтаринки гаплар замирида ҳам дил изтиробини англайсиз. Бу оташин шоир улкан иқтидорининг маҳсулидир.

*Менинг ҳам Ватаним жанглар гувоҳи,*
*Менинг ҳам тупроғим топталганди хор.*
*Менинг ҳам руҳимда аждодлар оҳи,*
*Менинг ҳам қонимда қилич занги бор.*
*Минорлар эмас бу — фалакка қасам,*
*Қасоскор боболар кетмишлар санчиб,*
*Мен тортган ғамни ҳам бир-бир санасам,*
*Ўлик фиръавнлар кетарлар сапчиб...*

Биллур шодалардек нур таратгучи бу сатрлар ўзбекнинг тарихи, аждодлар қисмати чигал ва мукаммаллиги билан мангуликка дахлдорлигини инкишоф этмоқда. Ҳар бир сатрида Ватанга чексиз муҳаббат гуркираб турган “Баҳор”, “Юртим шамоли”, “Ўйлар”, “Ўзбекистонда куз”, “Табиат”, “Сароб”, “Юзма-юз”, “Генетика”, “Она сайёра” каби қатор шеърлари шоирнинг иқтидори фавқулодда кўламдор ва теранлигини намойиш этади, муҳими, ўқувчиларни ҳайрат водийсига етаклайди. Яна бир жиҳати, яшашдан кўнглингиз совуганда саодатмандликка чорлайди, озурдаликни умид оташида чўғлантириб, меҳр-муҳаббат улашади.



Шоирнинг “Ўзбекистонда куз” шеърига муносабатда шундай ёрқин мулоҳазаларга нигоҳимиз тушади.

*Шабнам шовуллайди боғлар қўйнида,*
*Салқин туман ичра бўзарар тонглар.*
*Қуёшнинг эринчоқ ёғдуларида,*
*Нафис ялтирайди барги хазонлар...*

Шабнамнинг шовуллаши инсон ақлу тасаввурига келмайди. Аммо шоир нозик туйғулар орқали чиройли ифодалашни, боғ узра эсган шамол дарахтларни елпиб баргларга инган шабнамларни тўкиб юбориш жараёнида “шабнам шовуллаши”га тўғри ташхис қўяди. Ёхуд иккинчи қатордаги тонгнинг “бўзариши”, учинчи мисрадаги “эринчоқ ёғдулар”, тўртинчидаги “хазонларнинг нафис ялтираши” орқали куз фаслини ҳайратомуз поэтик топилмалар билан тасвирлаганки, бу манзаралар кейинги безовта ҳис-туйғуларга ўтишию контрастлик юзага келиши ечимини топган. Қарангки, табиат манзараси ижтимоий воқелик билан уйғунлашиб, шўро даври қиёфасини ойдинлаштиради. Миллион эгатларга эгилган халқнинг оғир меҳнат остида куз гўзаллигидан бебаҳра яшаётганидан қайғуради. Ўзбекнинг ҳар бир фасли ўз гўзаллиги ва нафосати билан дунёдаги мамлакатлар фаслидан фарқланишини, ўзининг айрича манзарасига эга эканини шоир рассомона синчилик билан сўз бўёғида ёрқин ва жозибали чиза олган.

“Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси” деб бошланувчи шеърда ҳам халқининг эрксизлигидан ўкинч ўтида ёнган, атрофдаги мавжуд нарсадан малол туйган, ҳаттоки найнинг навоси ғамгинлигидан қалби безовталанган шоир орзу-армонларини ўқиймиз. “Барглар орасида беҳол ўйнаётган уйқудаги қизнинг бедор тушлари”дан фалажланган “Эрк қизи”нинг забунлигидан мағлуб баҳодирнинг найзаси мисол маъюс эгилаётган терак учлари манзараси юракни сергаклантиради. Нега баҳор кунларида кузнинг ҳавосини туяётган шоир ҳолатини англаймиз. Демоқчиманки, 60-йилларданоқ шоир табиат манзаралари орқали Ватан, халқи дардини, шўро зулмини теша тегмаган поэтик топилмалар орқали даврнинг аянчли қисматини санъаткорона таърифлайди.

Ҳа, турғунлик даврининг энг мудроқ фаслида ўзбек адабиётида “халқчилликнинг уқувсиз куйчиси эмас, балки чинакам санъаткори” (В. Белинский) сифатида Абдулла Ориф майдонга келди. Унинг оташларга йўғрилган поэзияси маънавий бўшлиқни қалб вафоси билан тўлдирди. Асрий қатқалоқлик эркин фикр тажассумида ҳаётбахшликка юз бурди. “Титроқ юлдуз каби музлаган шуур”да замонамиз қурамалиги, яъни замонасозлик муддатини ўтаган махфий қўлёзмадай куйдирилди. Соф туйғулар пўртанаси ақлий жунунлик ва ҳавойи эҳтирослар пуфагини сидириб ташлади. Шоирнинг “Куз хаёллари” шеърида ер ва само оҳанглари уйғунлиги билан, инсон қалби озодлиги, табиат гўзаллиги ҳайрат силсиласидан туғилганининг гувоҳи бўламиз. Шу шеърни тўлиқ таҳлил этсак, шоир тафаккури ва заковати қудратининг нечоғлик юксаклигини англаб етамиз.

*Қорайганда узоқ тоғларнинг қори,*
*Боғларга чўкканда оқшомги туман,*
*Совуқ куз елидан жунжикиб, нари —*
*Очиқ айвон остин этганда маскан.*
*Дўстгинам, хаёлан қучаман сени,*
*Хазон даврасида кутаман сени.*

*“Қорайганда узоқ тоғларнинг қори”* мисраси ўзиёқ қалб чилторини чертиб, алланечук сокин туйғулар мавжида маъюслик эпкини музқотган хаёлларни чува бошлайдики, табиат тилсимоти соҳирлик мақомига дўнади. Мезонда сув қораяди дейди-ку халқимиз, кўзга унча чалинмас мезон иплари чувалиб сарғайган ўт-ўлану дов-дарахтлар шохларига “арғамчи отади”. Боғларга оқшомги туманнинг чўкиши ҳамон тоғларнинг оқ қорида қорайиб кўринишини англаш онг ости сезими инкишофидир.

Одатда кун ботишда шафақ ёлқини куйишадики, осмон сояси борлиққа қора тўрини ёяди. Бу ерда шоир куз фасли картинасини сўз бўёғида чизиш эмас, балки инсон умрининг кузи ҳақида ҳам сўз очади. Аввало, совуқ куз елидан жунжиккан туман айвон остини маскан айларкан, бу ҳолат шоир юрагида ҳам кечиши инсон ва табиатнинг бус-бутунликка уйғунлигини акс эттиради. Дўстни хазон даврасида кутиш шеър муҳибини ҳайратга солади. Нега, нега деган савол акс садодай тўлқин ҳосил қилади. Умр кузида инсон хаёлида энг яқин қадрдонлар гавдаланадики, паришон ўйлар йиғмасида болалигу ёшлик фаслининг мунаввар дамлари булоқдек кўз очса, ажабмас. Шеърнинг иккинчи олтилигида ҳам табиат манзараси бетимсол чизгиларда мавжланади. Шоирнинг муддаосини учинчи олтиликда яққолроқ сезишга жазм этасиз ва муяссар бўласиз.

*Нимани хоҳлайман? Истагим нима?*
*Чангалзор шовқинин тинглаб тураман.*
*Япроқлар бандида кезган жимгина*
*Маъюс ва безовта кузни кўраман.*
*Унинг қўшиғида, унинг оҳида,*
*Сезаман одамзод қалбин гоҳида.*

Ногаҳоний оловли туғён музлаган томирларингда хурофий шовқинга эмас, илоҳий завққа рағбат, бедор туйғуга майл уйғотади. Ҳар қандай шовқинда яланғочлик бор. Шовқин — қофиябознинг шақилдоғи, у туйғулар жунунини тўнглатади, эҳтирослар эркини вазнсизликка мубтало этади. Эрксизлик ва залолат шовқини инсоний умид қотилидир. Япроқлар бандида жимгина кезган безовталик (маъюслик ҳам!) оҳида одамзод қалбини сезиш бу — яшашга берилган ҳуқуқдир. Аслида, ҳаёт — чекланмаган имтиёз.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

*Унга бари бирдай ҳаёт ва ўлим,*
*Гўёки кекса чол сўнгини ўйлар.*
*Ва секин силкитиб қаҳрабо қўлин,*
*Кўрганин-билганин бирма-бир сўйлар.*
*Бир ҳикмат ўқийман хазонлардан мен:*
*“Яшагин-у, бироқ япроқ бўлма сен”.*

“Қаҳрабо қўл” — топилма. Чолнинг қўли қурушқоқ, қаҳрабо тус. Чолни кузга муқоясалаш айни кесишмаган чизиқдай аниқ таассурот қолдиради. Хазон — йўқликдан нишон, унинг шитирида сўлғинлик гиряси ўрлайди, мунг савқида эса ҳаёт моҳиятининг хоссасини кўрамиз. Шоир қалби улуғ бир ҳикматни англади: “Яшагин-у, бироқ япроқ бўлма сен”. Бу қалб иқрори.

*Мангу яшилликнинг маскани қайда,*
*Қайдадир хазонни билмаган баҳор?*
*Нечун у ҳовлиқиб оққувчи сойда,*
*Чавандоз умрининг қайтмас сеҳри бор?*
*Нечун уйғонади қайтадан баҳор,*
*Нечун инсон умри бўлмагай такрор?..*

Шоир яшилликнинг мангу масканини инсон қалбидан ахтаряпти. Қалб иллатлардан тозаланмас экан, ундан хазонрезгиликка рўйхуш бермас кўклам манзил тополмайди. Мангу адашади. Қалб баҳоригина инсон руҳиятини бедорликка чорлайди. Инсоннинг ўзи мамлакат. Унинг ҳукмдори ҳам, қули ҳам ўзи. Ҳаёт — буюк мураббий. Инсон ҳаёт таълимини ўрганиш, ўзини англаш баробарида ўз “мамлакати”га эгалик ҳиссини уйғотади ва ўрнатади.

Турғунлик даврининг яланғочлиги, одамлар шуурининг нурсизлиги шоир ҳаловатини жунбишга келтиради. Шоирни кузнинг хаёлидан кўкламнинг нашъаю нағмасини топиш, унинг ҳукмдори бўлиб қолишга даъват этган урғу ҳам шундандир. Шеърда икки қутб мавжудлиги ушбу хулосани туғдиради. Бу — менинг фикрим. Ҳайқириб, ҳовлиқиб оқаётган сойдан чавандоз умрининг қайтмас сеҳрини англаган шоир муножотида дилтанглигу бедорликка сафарбар этган туйғу бурғусини беҳуда чалмаяпти. Инсон умри такрорланмаслиги шоирни қаттиқ ўйга соляпти. Инсон ана шу такрорланмас умри давомида ўз баҳорини топа оладими ё йўқ? Умр такрорланмайди, баҳор уйғонгувчи. Умр ва баҳор муштараклиги мавжуд эмас экан, инсон ҳаёти хазонрезгиликка маҳкумдир. “Шоир файласуф эмас, мусаввирдир. Унинг манзара ва тасвирларидаги ҳамишалик мавзу “шуҳратга тўла ижод” — беҳудуд ва ранг-баранг ҳодисаларга тўла оламдир. Поэзия кўнгилга образлар билан сўзлайди ва ундаги образлар ибтидоси табиатнинг барча жузъий ҳодисалари ва шакллари қурилишида товланиб турган гўзаллик ифодасининг моҳиятидир”. Бу — Белинский талқини. Буюк мунаққид излаган образ юқоридаги мисраларда қуйма тарзда ўз ифодасини топган.

*Мени саволларга кўмар дафъатан,*
*Хазоннинг тақдири, сўнгги шовқини.*
*Кўзимга кўринар умрим қайтадан,*
*Гарчи сурмакдаман баҳор шавқини.*
*Гарчанд йигит ёшим яшнаб турса ҳам,*
*Кексалик қисматин ўйлайман шу дам.*

Нақадар болдек тотли мисралар! Хазоннинг тақдири шоир хаёлида шовқин соляпти. Шоир шовқинда эмас, баҳор шавқида умрининг қайтадан ҳадди-ҳисобини ўлчаяпти. Нега яна йигит ёши яшнаб турса ҳам, кексалик қисматини ўйлаяпти? Кексаликда қалб навқиронлигини сақлаб қолиш ҳар кимнинг ҳам чекига тушавермайди. Ҳаёт чархида чархланавериб, жисмоний ва руҳий қувватига дарз кетган киши дунё маломати юкидан қалб мажруҳлигига йўлиқиши баъзан тасаввуримизга келавермайди. Ана шундай дамда...

*Шу дам туйғуларга тўлади кўнглим,*
*Титраб тарашлайман қаламим учин.*
*Тонг ҳам ёришади, эй менинг умрим,*
*Бунчалар тезликда чопасан нечун?*
*Хазонлар шошади, шошаман мен ҳам,*
*Дўстим, ҳузуримга шошиб кел сен ҳам!*

Хазон инсон умрини қадам-бақадам таъқибга олади. Умрнинг тезоблиги хазон шошқалоқлигига ўзаро кесишмайдиган чизиқ тортади. Булар қандайдир бутунликнинг маълум эҳтиёт қисмларга эҳтиёжини оширади. Бу техник таъриф эмас. Шоирнинг титраб қалам тарашлашида ҳам яшашга чорлов бор. Чорловдан ҳикмат туғиляпти. Шоир ўз қалб кечинмалари орқали давр руҳининг маҳзунлигини аниқ чизгиларга жо қила олган. Абдулла Ориф ушбу шеърни 21 ёшида битган. Бу — шоирда туғма истеъдоднинг белгиси. Бу йўлда неча кўйлак йиртиб, қуш қўнмас муштдек “тепалик”ка эришолмаганларнинг сони мингта. Савқи табиийликнинг қудрати ҳам шунда-да! Ҳа, ноёб истеъдодлар ҳамиша, ҳар даврда бармоқ билан санагудай даражада камёб учраган.

Белинскийдан ранжимаган ҳолда чин шоирни ҳақиқий файласуф деб атагим келади. Пифагор шоирликнинг уч қутби, яъни бастакор, рассом ва файласуф умумлашмасидан мавжудлигини эрамиздан аввалги асрларда инкишоф этган эди. Мана шу нуқтаи назардан қараганда, муҳим уч қутб Абдулла Орипов ижодида ягона нуқтада бирлашган. Лекин инсоният кечмишида шундай бир давр бўлдики, шоир шеъриятида куй сеҳри, мусаввир мўъжизакорлиги, донишманд заковати баробар ўзи яшаётган даврнинг фарзанди экани ҳақидаги энг тўғри ҳақиқат ҳам ўз аксини топмоғи лозим эди. Абдулла Орипов шеъриятидаги “бу бешафқат ҳақиқат барчамиз дунёда ягона Ватан — Ўзбекистон фарзандлари эканлигимиз” бутун-бутун авлодларни “тарбиялади”. Шу ўринда яққол айтиш шартки, маънавий-руҳий замонида ҳам Абдулла Орипов шеърияти инсон манзараларининг моҳир наққоши сифатида адабиётга тамал тошини қўйди. Ватан ва инсонга муҳаббат туйғуси олий мақом кўринишини олди. Ҳар бир юртнинг табиати тилсимотдир. Турфа мўъжизалар куйига ҳамоҳанг. Шоир инсонни дунёга шамолдек келиб, шундоқ кетишини англаган ҳолда ўзининг боқий камолини шеъриятида олдиндан кўра билди.

*Қанча шамолларга юзимни бурдим,*
*Улардан эсдилар турфа хил нафас.*
*Уларда гоҳ қайғу, гоҳ шодлик кўрдим,*
*Тўхтамай ўтдилар бари ҳам бирпас...*
*Фақат қайғулардан сен ўзинг холи,*
*О, юртим шамоли, юртим шамоли.*

Шоир шеъриятида инсон изтироби рангин ташбеҳларда тобланди, чексиз фароғат бахшида этгувчи ҳикматларда юксак жозиба касб этди. *“Еллар ҳам уйғонди ишқалаб кафтин”, “Увада камзулда биллур тугмадай, Булутлар ортидан боқади юлдуз”, “Минорлар эмас бу — фалакка қасам”, “Чўнтакдан тўкилган тангалар мисол, Шуълалар ўйнайди супа учида”, “Борлиқ ҳам мисоли ўйчан мусаввир — Нақш этмиш деразанг узра саволлар”* каби шаффоф мисраларда қалб гўзаллиги, ҳаётга ташналик, инсониятга раҳнамолик, Коинот тартиботини бузишга уринувчи ёвуз кучларга қарши кураш, нафосат ва фасоҳат чаманларига муштараклик туйғусини улуғлашни ҳар бир шеърда учратасиз ва ҳайрат гирдобига чўмасиз.

Абдулла Орипов шеъриятидаги муҳаббат мавзуси шунчалар кенг қамровлики, унда илоҳий муҳаббат билан инсоний муҳаббат ўртасидаги қизил чизиқни тополмайсиз. Аслида, инсон қалбидаги муҳаббатда ҳам ана шу икки буюк туйғу ўзаро бир-бирини тўлдириб яшайди. Бу эса шоир шеъриятининг абадийлигини таъмин этадиган дунёвий-диний моҳият унсурларидан биридир. Тилларда достон бўлган “Биринчи муҳаббатим” шеъри куйга солиниб, қўшиқ тарзида ижро этилишида эмас, шундоқ ўқилганда ҳам юрагимизни тебратади. Руҳимизда сокин уйғонган маъюслик хотира гўзаллиги, соғинч ҳисси, ҳайрат мўъжизасига ошно этишида умримиз ободлиги инсоний муҳаббат билан бардавом эканидан фароғат туямиз.

Абдулла Орипов шеърияти ҳақида фикр юритиш бизни башар мавжудлигининг сирли-синоатли, жозиб ва тилсимли дунёсига бошлаб боради. Бу изланишда инсон ҳаётига тегишли қалб ва тафаккур, хаёл ва тасаввур, идрок ва заковат дунёсининг энг теран жиҳатлари билан рўбарў келасиз. Зеро, бу шеърият — ҳаёт маёғи бўлиб, абадиятдан садо эканини янада чуқуррок ҳис этасиз ва қувонасиз!

Шоир шеърияти Шарқ донишмандлиги булоғидан сув ичганки, айниқса, умрининг сўнгги йилларида ёзган фалсафий шеърлари сўз санъатининг инжу дурлари билан сайқалланганидан бевосита бургутдай ҳаволанасиз, юксакликдан боқиб, чексизликни қалбингизга жо этасиз. Ватанга муҳаббат туйғуси шунчалар улуғвор эканидан мўъжизага тўйинасиз.

Баъзида аччиқ кесатиқ, ширин истеҳзо, пичингли киноя билан зарҳалланган сатрлар юракни тебратади, кўзда қотган табассум шуълаланади. “Ватан” шеърини ўқисангиз руҳланасиз, ватансизликнинг мудҳиш кўринишини англайсиз ва ўз ватанингизда эркин яшаётганингиздан шукроналар айтасиз.

*Ватан нимадир деб юргандан кўра,*
*Эсингни бир жойга йиғиб ол, жўра.*
*Дунёда ибратли дарсхоналар кўп,*
*Ватанни сен ватангадодан сўра.*

Унинг ҳар бир шеъри, ақл ва идрокнинг чексиз имкониятларидан фойдаланиб чуқур таҳлил қилинганда, ана шу сир ва синоат сизнинг кўз ўнгингизда ўзини намоён этади.

Зеро, Абдулла Ориповни шунчаки тасаввур кучи билан кашф этамиз, десангиз, адашмайсиз-у, лекин ўртаҳол таҳлил ва талқинларга рўбарў келаверасиз. Бугунгача бу улуғ шоир ижоди ҳақидаги тадқиқотларнинг деярли жуда катта қисми ана шу тасаввур меваларидир.

Энг муҳими, бу ерда қизиқ бир парадокс бор. Аслида, бу талабларнинг Абдулла Орипов ижодини жон қадар яхши кўрадиган оддий китобхонлар ва шоирнинг мухлислари учун зарра қизиғи йўқ. Улар шусиз ҳам шоир ижодини юксак бир меҳр билан қадрлайди. Лекин буюк бир халқнинг буюк бир шоири ижодининг муаззамлигини англамаслик шу халқнинг ўзлигини англамаслик билан тенгдир.

Абдулла Орипов шеърияти — мангуликнинг биллур тожи. Бу тож Аллоҳдан шоирга туҳфа этилгани билан ҳам фавқулодда ҳодиса ва бекарам сийлов десак, янглишмаймиз.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-646.
41011 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Феруза Жўраева
Мусаҳҳиҳ: Рашид Хўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 23:30 Топширилди — 00:45